Buyuk kelajagimiz bugundan boshlanadi

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz | 2019-YIL 25-APREL, PAYSHANBA, 16 (806)-SON | web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқимиз азалдан ўлкамизни босқинчилардан ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва дахлсизлиги учун курашган қаҳрамонларини эъзозлаб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанг-гоҳлардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган, имони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланди.

Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охирги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган халқимиз ўзининг нақадар олижаноблигини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намоён этди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз томонидан мукофотлар топшириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш қутлуғ анъанага айланди. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам мардонавор ва салмоқли ҳиссаси унутилмас ҳақиқатдир. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етишга, Ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишга, тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

1. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **"Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч"** шиорлари остида Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминласин ва жойларда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига (кейинги ўринларда Байрам деб аталади) бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакилларини бириктириб, ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва уй хўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Байрамга тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бирйўла тўланадиган пул мукофотини тантанали равишда топширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимларга эга ходимларни (шартнома асосида) бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизматини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан кетиб ғалабага ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган ва уруш қаҳрамони бўлган фахрийлар номларини абадийлаштириш мақсадида ўзлари туғилиб ўсган кўчаларга уларнинг номларини бериш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг истаклари асосида уларни республика ҳудудидаги санаторияларга бепул юборилишини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техника намойишини ташкил этсин;

Тошкент шаҳрида Иккинчи жаҳон урушига алоқадор архивдан олинган фото ва ҳужжатлар кўргазмасини ташкил этсин;

Ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

кўчалар ва майдонлар Байрамга бағишланган плакатлар ва стендлар билан безатилишини таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган Байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кетиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2019 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни, ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, шунингдек, мавзуга оид телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрлаб эфирга узатиш, мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорида бирйўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 апрель

Президент Шавкат Мирзиёев Пекинга келди

Пекин, 24 апрель. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 24 апрель куни "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Пекин шаҳрига келди.

"Шоуду" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Хитой Халқ Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

"Бир макон, бир йўл" биринчи халқаро форуми 2017 йилда ўтказилган, унда ҳам Президентимиз қатнашган эди. Бу галги саммитда 40 дан зиёд мамлакат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон учун давлатлараро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси бундай алоқаларни фаол давом эттириш ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, Марказий Осиё минтақасида транспорт, савдо, сармоявий, энергетика ва юқори технологиялар соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳамкорликнинг бундай янги йўналиши унга жалб этилган давлатларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашга, мамлакатлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон транспорт, логистика, савдо-сотиқ, инвестициялар, энергетика ва саноат соҳаларида юқори технологияларни жорий этиш бўйича "Бир макон, бир йўл" ташаббуси лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт ва логистика йўналишларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Бу мамлакатимизнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги интилишлари ва мақсадларига тўла мос келади. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикасининг икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида умумий қарашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Халқаро форум кун тартибидан минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш борасидаги шерикликни фаоллаштириш, "яшил" иқтисодиёт ва инновацияларни илгари суриш, устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ўрин олган.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин, қатор давлатлар ва халқаро молиявий институтлар, шунингдек, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказади.

ЎзА

КИТОБДАН ҚИММАТЛИ СОВҒА ЙЎҚ 3

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ? 6

Хусусий телеканалларда ўзбек ТВ тарихидаги шов-шувли шоулар даври бошланди. "Зўр ТВ"нинг "Борига барака"си бошлаб берган ана шу юришни ҳозир бошқа каналлар ҳам давом эттирмоқда.

"ЎЗИНГИЗНИ ЎЙЛАСАНГИЗ-ЧИ!" 8

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида

Гўдакларнинг овқатланиши бўйича қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг аёллар билан ишлаш бўлими ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ҳамкорликда “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш: амалиёт ва истиқболдаги режалар” маввзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, эришилган ижобий натижалар ва истиқболдаги режалар хусусида маълумотлар берилди.

– Мустақиллигимизнинг илк кунларидан эътиборан мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлиги, баркамол авлод тарбияси чинакам маънода давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинганлиги бежиз эмас, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда ХЎЖАЕВА.** – Биламизки, “Соғлом она – соғлом бола” миллий ғоясини ўзида ифода этувчи дастурлар асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилиши натижасида скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказлар ҳамда уларнинг вилоятлардаги филиаллари тиббиётимиз ривожида мустаҳкам ўрин эгаллади. Қолаверса, айни пайтда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, шунингдек, уларнинг жойлардаги филиаллари изчил фаолият кўрсатмоқда. Умумий қиймати 130,58 миллион АҚШ долларини ташкил этган, Тошкент шаҳрида Корея Республикаси билан ҳамкорликда қурилаётган Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳам ёш авлод саломатлигини сақлаш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Демоқчиманки, бугунги давра суҳбатида кўтарилаётган масала ниҳоятда жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоларга ечим излашимизни даврнинг ўзи талаб қилаётир. Шу боис, ушбу тадбирда муҳокама этилиши кўзда тутилган қонун лойиҳаси нафақат депутатлар, масъул идоралар, балки барча қатлам вакиллари учун ҳам масъулиятли эканлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган “Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши, шу жумладан, кўкрақдан эмизишни ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш соҳасидаги мунозабатларни тартибга солиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида болалар овқати маҳсулотларига қўйиладиган талабларни белгилаш масалалари ушбу қонуннинг энг муҳим жиҳатлардан саналишига алоҳида эътибор қаратишди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳасида “Кўкрак сути ўрнини босувчилар маркетинги халқаро кодекси”нинг қоидалари ҳисобга олиниб, болалар овқати маҳсулотларига қўйиладиган талабларга риоя қилиш, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши соҳасидаги асосий йўналишлар, кўкрақдан эмизишни ҳимоя қилиш ва тарғиб этишга оид қатор нормалар ўз аксини топган.

Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Грузия, Украина, Қирғизистон, Туркманистон каби бир қатор хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилган. Ушбу мамлакатларнинг қонунчилигида кўкрақдан эмизишни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш ва болалар овқати маҳсулотларига қўйиладиган талабларга риоя қилиш, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши билан боғлиқ тиббиёт ходимларининг вазифалари ҳамда тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг фаолиятини чеклаш каби асосий масалалар ўрин олган.

Муҳокамада сўз олганлар ушбу қонун лойиҳасининг мақсади партия дастури ва сайловолди платформасига тўлиқ мос келиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги партиянинг устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида эътироф этишди.

Тадбир иштирокчилари ушбу қонун лойиҳаси бугунги кунда ўта долзарб аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, гўдаклик давридан болаларни тўғри овқатлантиришни бошлаш уларнинг нафақат жисмоний саломатлиги ва ривожланишини, балки инфекция хавфини камайтириш, психоматор фаолиятини тўлақонлиги ва узоқ келажакда ижтимоий ҳолатини ривожлантиришда имкониятларини кенгайтириш учун ҳам муҳимлигини қайд этишди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кўкрак сути билан боқилган гўдакларнинг касалланиши 2,5 мартага камаяр экан. 2017 йил август ойида ушбу ташкилот кўкрак сути билан боқишни қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағнинг бир доллари 35 доллар миқдорида фойда келтириши ҳақидаги маълумотни эълон қилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Солижон ЗОИРОВ,
“XXI asr” мухбири

O‘zLiDeP фракциясида

Мушоҳадаю мунозаралар қизғин

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига 6 та масала, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, иккинчи ўқишдаги битта, биринчи ўқишдаги тўртта қонун лойиҳаси муҳокамаси киритилди.

Фракция раҳбари вазифасини бажарувчи Адҳам Шодмоновнинг алоҳида таъкидлашича, **Ҳисоб палатасининг бу галги ҳисоботи аввалгилардан ҳам шаклан, ҳам мазмунан фарқ қилади. Унда ҳар бир масала моҳиятини акс эттирган таҳлилий-қиёсий маълумотлар яққол кўзга ташланади.** Бу фикрни ҳисобот билан атрофлича танишган бошқа депутатларимиз ҳам қўллаб-қувватлашди.

Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Олимхон Рустамов фракция аъзоларини қизиқтирган саволларга жавоб беришга ўтишдан аввал қисқача маъруза қилди. Бош молиявий назорат ташкилотига юклатилган вазифа ва топшириқлар ижроси бўйича ўтказилган ўрганишлар (аудит) натижалари юзасидан жами 180 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 138 та, Вазирлар Маҳкамасига 15 та, бошқа вазирлик ва идораларга 27 та маълумот ва таҳлилий материаллар киритилганини айтди. Тақдим этилган таклифлар асосида 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва баённомалар қабул қилинган.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш тизимида жорий этилаётган янгиликлар туфайли ижро интизоми соҳасида ижобий силжишлар ва эришилган ютуқлар кўп. Лекин салбий ҳолатлар ҳали ҳам учраб турибди. Масалан, аудит давомида даромадлар ва харажатларда жами 4 308,5 миллиард сўмлик услубий хато ва камчиликлар аниқланган. Давлат улушига эга бўлган 381 та корхонадан дивидендларни ундириш бўйича зарур чоралар кўрилмагани натижасида бюджетга 57,2 миллиард сўм дивиденд, 1,1 миллиард сўм пеня ҳисобланмасдан қолган.

Молия ва ғазначилик органлари, давлат мақсадли жамғармалари томонидан ортиқча (нотўғри) тўланган тўловларни қайтариш бўйича ўрнатилган муддатларга риоя этилмагани учун давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадларида 1,7 миллиард сўм ортиқча акс эттирилган.

Фракция йиғилишида Ҳисоб палатасининг фаолияти юзасидан бошланган **муҳокамалар қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш пайтида баҳс-мунозарага айланди, десак муболаға бўлмайди.** Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг иккинчи банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган **“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича савол-жавоблар қизғин кечди. Бу борада фракция аъзоларидан Расул Кушербаев ва Раҳимжон Ҳакимов томонидан қўйилган масалалар қонун лойиҳаси муаллифларига сал ўнғайсиз туюлгани, улар аниқ жавобдан бироз четлашгани, умумий гаплар билан чекланишни маъқул кўришгани ҳам рост.**

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти иқтисодиётни эркинлаштириш, ер ва капитал бозорларини либераллаштириш, шунингдек, бу борадаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ, албатта. Таъкидлаш керакки, ер эгалари учун ҳуқуқий кафолатлар йўқлиги кўчмас мулк бозорининг жадал ўсишига тўсқинлик қилади. Бу ҳолатда давлат ернинг монопол эгаси сифатида ҳар қандай вақтда давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ерни талаб қилиш (олиб қўйиш) ҳуқуқига эга.

– “Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг асосий мақсади хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерларни фуқаролик муомаласига жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий имкониятларини кенгайтиришдан иборат, – деди O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Нодир Ражабов. – Ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг ер участкалари ҳудудида кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва турар-жойига хизмат кўрсатиш учун бериладиган ер участкаларини, бўш ер участкаларини, шунингдек, Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ер участкаларини хусусийлаштириш имконияти кўзда тутилган. Лойиҳада хусусийлаштирилмайдиган ер участкалари ҳам кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ер умуммиллий бойлигимиз эканлигини инобатга олиб, қонунда хорижий фуқаролар ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ер сотиб олишга чекловлар ўрнатиш мўлжалланаётир.

Мунозараларда хусусийлаштириладиган ер участкаларининг кафолатларини қонуннинг ўзида аниқ баён этиш, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олинадиган ерлар тасниф-рўйхатини (худди хусусийлаштирилмайдиган ер участкалари аниқ кўрсатилгани каби) киритиш билан боғлиқ жиҳатлар тилга олинди. Қонун лойиҳасининг “Хусусийлаштирилган ер участкасини мулк эгасидан олиб қўйиш” деб номланган 37-моддасини қайта ёзиш таклиф этилди. Мазкур модда орқали хусусийлаштирилган ер участкаси мулк эгасидан фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар ва тартибда, шунингдек, национализация, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида ушбу ер участкасини мулк эгасининг мажбуриятлари бўйича ундириш юзасидан мурожаат қилингандагина олиб қўйилиши белгиланиши мумкин. **Ушбу ҳужжатнинг шу тарзда қабул қилиниши нафақат фракция аъзолари, балки кенг жамоатчиликни ҳам қониқтирмайди. Чунки унда хусусийлаштирилган ер участкаси қайси органнинг қандай қарори орқали олиб қўйишга рухсат берилиши аниқ кўрсатилмаган. Бу эса қонуннинг ўзи қолиб, ҳавола нормалар ва қонуности ҳужжатлари, инсон омили устунлигига олиб келади.**

Яна бир ҳолат лойиҳанинг 14-моддасида ўз аксини топган. У ҳам бўлса, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилишидир.

Бизнингча, юқоридаги масалалар қатори 36-моддани ҳам такомиллаштириш зарур. Зеро, унда “Ер участкаларига эгалик ҳуқуқи дахлсиздир ва давлат томонидан “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ муҳофаза қилинади”, дейилган. **Ваҳоланки, бир қонундаги норманинг кафолатини бошқа қонунга ҳавола қилгандан кўра мамлакат Конституцияси (53 ва 54-моддалари) меъёрларига таянган маъқул.**

Шу ўринда савол туғилади: ер участкаларини хусусийлаштириш мақсадида таклиф этилаётган қонун лойиҳаси Бош қомусимизнинг 55-моддаси талабларига тўлиқ мос ва уйғунмикан? Бунинг жавоби устида нафақат ҳуқуқшунос-экспертлар, балки ҳар бир сўз ифодалаётган маънони илмий тадқиқ қиладиган тилшунос олимлар ҳам бош қотирмоғи жоиз.

Фракция йиғилиши давомида иккинчи ўқишдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги, шунингдек, биринчи ўқишдаги “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” мухбири

Ислоҳот ва самара

Навоий инвесторларни чорламоқда

Жорий йилнинг 30 апрель – 1 май кунлари Навоий вилоятида “Invest in Navoiy” II халқаро бизнес форумини ўтказиш режалаштириляпти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи давомида бу ерда тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланишга шарт-шароит яратиш, айниқса, инвесторларни кенг жалб қилиш бўйича топшириқлар берган эди.

Айтиш жоизки, ери бойнинг эли бой. Навоий тупроғи ноёб хомашё ресурсларига бойлиги, ишбилармонлик муҳити яратилганлиги туфайли инвесторлар учун ниҳоятда қулай манзилга айланмоқда. 2018 йилда 51 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ташкил этилган бўлса, жорий йилда улар сонини 200 дан ошириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокими деярли ҳар куни инвесторлар билан учрашувлар ўтказаётгани, уларда икки томонлама манфаатли келишувларга эришилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, вилоятда фаолият юритаётган 200дан ортиқ маҳаллий тадбиркорлар Бирлашган Араб Амирликлари, Венгрия, Беларусь, Россия, Финляндия, Хитой Халқ Республикаси, Малайзия, Ҳиндистон, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Эрон каби давлатларда бўлиб, тажрибаларини ўртоқлашгани эса инвесторларни янада кенг жалб қилишга шароит яратди.

Жорий йилнинг 30 апрель – 1 май кунлари вилоятда “Invest in Navoiy” II халқаро бизнес форуми бўлиб ўтиши эса ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини янада кенг намоён этишига имкониятлар эшигини очади. Ушбу халқаро форумда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатининг 200дан зиёд тадбиркору инвесторлари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари иштирок этиши назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад Навоий вилоятининг иқтисодий имкониятлари ва туризм салоҳиятини намойиш этиш, янги ҳамкорларни жалб қилишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодий зона, интермодал логистика маркази, халқаро аэропорт, гигант саноат корхоналари, юқори қувват билан ишлаётган электр станцияси мавжудлиги боис вилоят тадбиркорлик билан шуғулланишга энг қулай ҳудуд саналади.

Бир сўз билан айтганда, хорижий сармоядорларга қулай шароит яратилаётгани вилоятда бизнес юритишга қизиқишини янада оширмоқда. Бизнес-форум эса вилоятнинг ана шундай юқори салоҳиятини хорижий инвесторларга таништиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
“XXI asr” мухбири

Акция

Китобдан қимматли совға йўқ

O'zLiDeP етакчиси Китоб туманида "Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан" шиори остида ўтказилган китоб марафонида фаол қатнашди.

Дунёда кўзни қувонтиргудек қимматбаҳо совғалар жуда ҳам кўп. Кимдир фарзандининг туғилган кунига янги уй, бошқа биров эса замонавий машина туҳфа этади. Аммо уларнинг ҳеч бири бир дона китобга арзимайди. Маърифатли инсонлар доимо ўз фарзандларига китоб совға қилишган. Чунки китоб турфа олам сирларини, ҳаёт тилсимларини англашда инсонга энг яқин кўмакчидир. Китобгина инсонни эзгу ишлар сари чорлайди, қалбини юксалтиради, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашга ўргатади. Айниқса, ёш авлоднинг баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етишларида китобнинг ўрни беқиёс. Илм бир нурки, уларнинг ҳаёт йўлларини мунтазам ёритади, юксак давонларни забт этишларида яқиндан ёрдам беради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов "O'zLiDeP, ёшлар, китоб, маънавият" акцияси доирасида ўзи таҳсил олган Китоб туманидаги Панжи қишлоғида жойлашган 37-мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчилари иштирокидаги тадбирда қатнашиб, мактаб кутубхонасига янги китоблар совға қилди.

– Юксак маънавиятли ёшлар бахтли истиқболимиз эгаларидир, – деди партия етакчиси тадбирда сўз олиб, – Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакат келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Истиқболимиз тимсоллари бўлган ёшлар учун кўрсатилаётган ғамхўрлик бахтли келажагимиз йўлида эзгу ишлардандир. Кейинги уч йилда бунинг яққол самараларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги боис кўз очаётган ҳар бир истеъдод булоғи асраб-авайланиб, иқтидорини тўла намоён қилиши учун шарт-шароит яратиб берилмоқда. Доимий ғамхўрлик, меҳру муҳаббат ёшлар қалбида умид ва ишонч уйғотмоқда, юксак эътибордан илҳом ва руҳ олиб, ғайрат ва шижоат билан олға интилаётган ёшлар эртанги кунимиз умидли қўлларда эканлигини амалда намоён этмоқдалар. Зеро, юртнинг камоли, элнинг бахти ёшларнинг интилиши, ақлу заковати, билим ва малакасига боғлиқ. Яқиндагина бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида муҳтарам Президентимиз ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга эътибор қаратиш, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, китобхонликни тарғиб қилиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар ҳақида куйиниб гапирганликлари бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида давр талаблари даражасида амалга оширишда дастуриламал вазифасини ўтайди. Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бешта турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш уларнинг иқтидорларини намоён этишларида қўл келади. Спорт билан мунтазам шуғулланган йигит-қизлар нафақат жисмонан соғлом бўлиб вояга етадилар, балки жаҳон спорт ареналарида мамлакат байроғини баланд кўтарадилар.

Дарҳақиқат, ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш уларда мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантиришда яқиндан ёрдам беради. Бугунги глобаллашув даврида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг билим савияси ва маънавиятини юксалтиришда энг яқин кўмакчи китоб бўлиши, табиий.

Мамнуният билан таъкидлаш керакки, кейинги уч йил давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси туфайли замондошларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгариб, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик бурчи юксалиб бормоқда. Ўқув муассасаларига китоб совға қилиш, келажак авлодга нурли истиқбол маёғини туҳфа этиш билан баробар. Бу эзгу ҳаракат мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига қадар етиб бориб, ёш авлод, хотин-қизлар ва кексалар янги-янги китобларни мутолаа қилиш бахтига муяссар бўлмоқдалар.

Ҳа, қадрдон билим масканингга келиб, мурғак қалбингга эзгулик нурини жойлаган, сенга қалам тутишни, ўқиш ва ёзишни ўргатган қалби дарё устозлар билан дийдорлашиш дунёдаги энг савобли амаллардандир.

Актам Хаитов таҳсил олган мактабдаги устозлар ва мактаб ўқувчилари билан бўлган мулоқот жуда қизиқарли ва ҳаяжонларга бой бўлди. Собиқ ўқувчи ҳар йили бир маротаба ана шундай дийдорлашув кечасини ўтказиб, аъло ўқувчиларга китоблар жамламасини тақдим этишга ваъда берди.

– Ҳар бир халқнинг салоҳияти, аввало, унинг маънавий камолоти, ақлу заковати, куч-қудрати, бунёдкорлик даҳоси ёшларнинг шижоати, дунёқараши, билимдонлиги билан белгиланади, – дейди мазкур мактаб директори Лобар Раҳимова. – Бугун мамлакат сиёсий майдонида ўзига хос нуфузга эга бўлган O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси билан бўлган самимий мулоқот савол-жавобларга бой бўлди. Партия етакчиси ўқувчиларнинг ўқиган китоблари, яхши кўрган қаҳрамонлари, келажак орзулари ҳақида дилдан суҳбатлашиб, бир пайтлар ўзи таҳсил кўрган қадрдон мактабига Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг тўлиқ томлари ҳамда жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир намуналарини улашиш билан бирга, яқин орада электрон кутубхона базасини ташкил этиш учун янги компьютер жамланмаси ҳам совға қилишини айтганида ўқувчиларимиз ниҳоятда қувониб кетди. Мактабимиз кутубхонаси янги-янги илмий ва бадиий адабиётлар билан бойиб қолди. Бу бебаҳо хазинадан нафақат мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, балки яқин атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Лола ЎРОҚОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

O'zLiDeP ташаббуси

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ривожланади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Банк-молия академияси билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш: институционал, иқтисодий ва ташкилий жиҳатлари" мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ташкил этди.

Фонд бозорининг профессионал иштирокчилари билан биргаликда ўтказилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, партия фаоллари, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, тижорат банклари, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва изланувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этди.

Таъкидлаш керак, мазкур аҳамиятли конференцияда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қимматли қоғозлар чиқариш тартибларига, қимматли қоғозлар билан боғлиқ биржадан ташқаридаги битимлар ҳисоб регистри, қимматли қоғозлар бозорида манипуляциянинг олдини олиш қоидалари ва қимматли қоғозлар билан репо битимларни амалга ошириш низомига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, бир сўз билан айтганда, қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишига оид вазифалар муҳокама этилиб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

– Маълумки, Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилинган 2019 йилда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш ва қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган, – дейди **Банк-молия академияси ректори в.в.б. Баҳриддин Бердияров.**

Қайд этилишича, саноати тараққий этган мамлакатларда очиқ бозор операциялари пул-кредит сиёсатининг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ривожланаётган ҳамда ўтиш давридаги давлатларда ҳам ушбу операциялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Очиқ бозор операцияларига эътибор ошишининг асосий сабаби, ушбу операциялар бажарилишининг техник имкониятларидир. Амалиётларни Марказий банк энг самарали ва ривожланган бозорда – давлат қимматли қоғозлар бозорида оддий бозор қатнашчиси сифатида амалга оширади. Бунда Марказий банк ушбу бозорнинг барча афзалликларидан фойдаланади.

– Халқаро валюта жамғармасига (IMF) кўра, Ўзбекистонда ЯИМ ўсиш суръатлари 2019 йили 5,5% атрофида бўлиши прогноз қилинган ва 2020–2021 йилларда 6%га кўтарилиши мумкин, – дейди **Молия вазирлиги бўлим бошлиғи Темур Малик Нарзиқулов.** – МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон иқтисодиёти нисбатан яхши диверсификация қилинган. Давлат статистика қўмитасига кўра, ЯИМнинг тузилмасини асосан хизматлар – 35,6%, қишлоқ хўжалиги – 32,4%, саноат маҳсулотлари – 26,3% ва қурилиш ишлари – 5,7% ташкил этган. Бироқ 2018 йилнинг якуни бўйича дастлабки маълумотларга кўра, ташқи савдо (товар ва хизматлар) сальдоси – 9,3 миллиард АҚШ долларига тенг. Бу, ўз навбатида, олтин-валюта захираларининг емирилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари"да очиқ бозор операциялардан фойдаланиш белгиланган. Бунда Марказий банк тижорат банклари билан репо операциялари ўтказиш орқали ликвидлиликни тартибга солишини мақсад қилиб қўйган. Тадбирда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш йўлида бир талай таклифлар билдирилди. Хусусан, тижорат банкларидаги давлат улушини аҳоли, корхоналар, институционал инвесторлар ва хорижий инвесторларга сотиш, активларини диверсификация қилиш, даромадларини ошириш ва ликвидлигини таъминлаш мақсадида давлат қимматли қоғозларига қилган инвестициялари ҳажмини ошириши кабилар шулар жумласидандир.

Марказий банк очиқ бозор операцияларидан самарали фойдаланиши учун эса мамлакатимизда давлат қимматли қоғозлари бозори ривожланган бўлиши шарт. Конференция экспертларининг фикр билдиришича, ушбу соҳани ривожлантиришда давлат қимматли қоғозлар бозорининг ҳажми банк тизимидаги ликвидлилик ҳажмига мутаносиб бўлиши керак. Бунда Марказий банк очиқ бозор операциялари орқали банк тизимидаги ликвидлиликка сезиларли даражада таъсир кўрсата олиши лозим. Давлат қимматли қоғозларининг ҳажми биринчи навбатда эмитентнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланади. Агар Молия вазирлиги томонидан эмиссия қилинадиган давлат қимматли қоғозларининг ҳажми етарли даражада шакланмаса, Марказий банк муомалага ўз облигацияларини чиқариши зарур бўлади. Хоссатан, давлат қимматли қоғозлар бозорининг қатнашчилари мақсади турлича бўлади. Эмитентнинг мақсади молия бозоридан вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш бўлса, тижорат банкларининг мақсади ликвид активларга инвестиция киритиш, Марказий банкнинг мақсади эса пул-кредит сиёсатини юритиш ҳисобланади. Ушбу мақсадларни фақатгина ликвидлилиги юқори бўлган бозорда амалга ошириш мумкин.

Тадбир давомида Ўзбекистонда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам таклифлар ўртага ташланди. Чунончи, тижорат банкларидаги давлат улуши аҳоли, корхоналар, институционал инвесторлар ва хорижий инвесторларга сотилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида банк акциялари олди-сотдиси ривожланади, банк тизимида давлат улуши камаяди ва рақобат ошади. Тижорат банклари республикамизда хусусийлаштиришнинг IPO усулида актив иштирок этиши лозим. Яқинда "Кварц" компанияси акцияларининг IPO усулида сотилиши, унинг ижобий натижаси капитал бозоридаги аҳамиятли воқеа бўлди. Ҳозир республикамизда бир қатор акциядорлик жамиятида IPOни ўтказиш режалаштирилган. Буларда банкларнинг иштирок этиши активлари таркибини ўзгартиради, даромадларини оширади ва риск даражасини пасайтиради. Тижорат банклари ўзларининг ресурс базасини мустаҳкамлаши учун депозит сертификатлари ва корпоратив облигациялар эмиссияси ҳажмини ҳам ошириши зарурдир.

Конференция мобайнида банк тизими ва капитал бозори инвестицион салоҳиятини ошириш, давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш тартиби каби соҳага оид масалалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Ишчан руҳда ўтган анжуман якунида олимлар, мутахассислар билдирган фикр ва мулоҳазалар асосида илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётда қўллаш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси ҳамда тегишли давлат идораларига юборилиши ҳақида келишиб олинди.

Сардор ТУРОБОВ,
Шуҳрат РАҲИМОВ (суратлар),
"XXI asr" мухбирлари

Бошланғич партия ташкилотларида

Фаолиятга холис баҳо берилмоқда

Шу кунгача 4 422 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди

Турли-туман корхоналар, хўжаликлар, муассасалар, ташкилотларда хамюртларимиз билан юзма-юз иш олиб бораётган таянч тузилмалар аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита алоқа қилиш, уларга партиявий таъсир ўтказиш имконига эга. Таянч нуқталар фуқароларнинг талаб-эҳтиёжлари ва муаммоларидан яхши хабардор. Улар сайловчилар билан партия ўртасидаги кўприк. Қуйи бўғинлар қанчалик фаол бўлса, партиямизга ишонч шунчалик кучаяди. Жорий йилнинг 15 мартидан 1 июнига қадар давом этадиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари эса мазкур муҳим бўғин мустаҳкамлигини синовдан ўтказиш баробарида унинг нечоғлик ишчанлиги, ташаббускорлиги ҳақида ҳам муайян хулосалар чиқариш учун имкон яратади, таянч тузилмалар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Ушбу муҳим тадбирларда таянч нуқталар ишини баҳолаш, раис ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш энг асосий вазифа экани диққатга молик. Шу кунгача 4 422 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Ўтган йилдаги фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган 592 та таянч бўғинга янги раислар сайланди. 3 830 та қуйи тузилма етакчиларига эса яна ишонч билдирилди.



Тегишли хулосалар чиқарилди

Маълумки, ҳисобот-сайлов йиғилишлари БПТнинг ўтган даврдаги фаолиятини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, хато ва камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш йўлларини излаш, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилади. Зеро, бугунги партиявий талаб ҳам БПТлар фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзоларнинг сифат таркибини яхшилаш, электорат вакилларининг қўллаб-қувватланишини кучайтиришдан иборат.

Боғот туманидаги "Хоразмтекс" хусусий корхонасида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишини ана шу талабларнинг амалдаги ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Унда кун тартибидан ўрин олган барча масалалар бирма-бир муҳокама қилинди, йўл қўйилган камчиликлар рўйи рост айтилди. Жумладан, тарғибот-ташвиқот тадбирларнинг савиясини янада кўтариш, оммабоплигини таъминлаш, мулоқотларга обрўли кишиларни таклиф қилиш зарурлиги таъкидланди.

– Қуйи ташкилотимиз 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, 45 маслакдошни бирлаштирган, – дейди БПТ раиси Зулфия Пираддинова. – Сарҳисоб вазифасини ўтаган, режалар тузилган, турли фикр-мулоҳазалар баён этилган ушбу йиғилишда иштирокчиларининг ҳаммаси ўзи учун тегишли хулосалар чиқариб олди, деб ўйлайман. Шахсан мен коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ҳамда депутатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш келгусида ҳам устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади, деган фикрдаман.

Ҳисобот-сайловда таянч бўғин раиси қайта сайланди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши Матбуот хизмати

Аввалги хатолар такрорланмайди

O'zLiDeP Зарафшон шаҳар ташкилоти таркибида пешқадам бошланғич ташкилотлар талайгина. Ана шундай таянч тузилмаларидан бири "Олтин водий" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иш юритяпти. Унга ёш ва ташаббускор сафдошимиз Муборак Низомова етакчилик қиляпти.

– Салкам беш йилдан буён партия аъзосиман, – дейди БПТ етакчиси. – Бир неча маслакдош билан биргаликда партия қуйи тузилмасига асос солган эдик. 2018 йилга келиб маслакдошларимиз 18 нафарга, ҳозир эса 26 нафарга етди. Янги қуйи бўғин дастлаб иш бошлаганида зиммасидаги вазифаларни амалга ошира олишига шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Ишларни шошилмасдан, узоқни кўзлаб ташкил этдик. Қийналган пайтларимизда тажрибали сафдошларимиз ҳамда партиянинг туман ва вилоят кенгашларидан ёрдам сўрадик. Асосий диққат-эътибор мулкдорлар синфи вакилларининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига кўмаклашиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, ўз фаолиятини бошламоқчи бўлганларга кўмаклашишга қаратилди. Жумладан, номдор ишбилармонлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида улар билан учрашувлар ташкил этдик. Қисқаси, бошланғич партия ташкилоти раҳбари сифатида чиқарган хулосам шу бўлдики, электоратимиз вакиллари дард-ташвишини ўзиники деб билмаган, журъатсиз, партия талабларини яхши тушунмайдиган одам етакчи бўлолмайди.

Маълумки, партия уставида "бошланғич партия ташкилоти жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳамда партия фаолияти ҳақида ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларини ташкиллаштиради", деган вазифа ҳам қўйилган. Уни уддалаш учун эса маслакдошлар, партия маҳаллий ташкилоти билан ҳамкорликда тинимсиз меҳнат қилиш лозим бўлади. Чунки фуқаролар, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккури, савияси анча юксалган.

Партиявий ишда юқори савияда ўтказилувчи мулоқотларнинг аҳамияти катта. Ўтган йили бошланғич ташкилотимизда ўтказилган вилоят семинарида кўплаб маслакдошларимиз иштирок этди. Туманлар, вилоят ва республикадан келган партия фаоллари билан фикр алмашилди. Натижада сафдошларимиз сони янада ортди.

Бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш, йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик лозим. Ўтган йилги ҳисобот-сайлов йиғилишини ташкил қилишда айрим жиҳатларни эътиборга олмаганимиз маслакдошларимиз томонидан дўстона танқид қилинган эди. Буни инобатга олиб, ҳисобот-сайлов йиғилишига жиддий тадорик кўрдик, муҳим тадбирнинг юқори савияда ўтказилишига эришдик.

Етакчининг таъкидлашича, ҳисобот-сайловда Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифалар бажарилишига ҳисса қўшиш билан боғлиқ масалалар диққат марказида бўлди.

Н. ОТАМУРОДОВА,
O'zLiDeP Зарафшон шаҳар бўлими аппарат раҳбари

Барча ҳудудларда бўлгани сингари O'zLiDePнинг Бухоро вилоятидаги қуйи бўғинларида ҳам муҳим партиявий тадбир – ҳисобот-сайлов йиғилишлари уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Ушбу жараёнда бошланғич ташкилотлар фаолиятига холисона баҳо бериш билан бирга партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, таянч тузилмалар ваколати доирасида келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинмоқда.

Ваъда бериш осон...

Ромитан туманида бугунги кунда O'zLiDePнинг 61 та қуйи бўғини бор. Улар 2 803 нафар маслакдошни бирлаштирган. Таянч тузилмаларда сиёсий ишчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳида ташкил этилаётган йиғилишларда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29-30 март кунлари Бухорога ташрифи вақтида белгилаб берилган долзарб масалалар хусусида атрофлича сўз юритилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида кенг жорий қилинаётган кластер усули, жумладан, ушбу ҳудуддаги "BCT Cluster" хорижий корхонасининг уч минг кишилик жамоаси томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, бу борада бошланғич партия ташкилотларининг ҳам ўз ўрни бўлиши лозимлиги таъкидланяпти. Зотан, ишлаб чиқариш корхоналаридаги партия аъзолари сафини кенгайтириш – сиёсий тузилмамизнинг дастурий мақсадлари сирасига киради.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партиявий собитқадамлик БПТлар фаолиятида ҳам асосий мезон бўлиши кераклигига жиддий урғу берилаётгани бежиз эмас. Зеро, хайрихоҳларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш – барча қуйи бўғин етакчиларининг асосий мақсадига айлангани йиғилишларда намоён бўляпти.

Тумандаги "Қаҳрамон" МФЙ ҳудудида ташкил этилган қуйи бўғин (етакчи Байрам Муротова) ана шундай пешқадам БПТлардан биридир. Биргина 2018 йилда бу ерда 50 дан ортиқ маслакдошимизнинг аъзоликка қабул қилингани, партия ғоялари "Қалайчорбоғ", "Ўба" сингари қатор МФЙлар ўрамида яшовчилар ўртасида тарғиб этилаётгани, фаоллар саъй-ҳаракати билан ўрта қатлам вакиллари савобли ва хайрли ишларга жалб этилаётгани турли ёшдаги ва касбдаги кишиларнинг O'zLiDeP-га ишончини мустаҳкамлашда самарали таъсир кўрсатаётгани ўз-ўзидан аён, албатта.

"Деча" МФЙ ҳудудидаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти йўлга қўйилганига ўн йилдан ошди. Партия фаоли Зумрад Очилова маслакдошларни ўз ортидан эргаштира биладиган, аҳолига маданий-маиший, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган етакчиларидан. Шу яқин атрофдаги Хоса, Челонғу, Ғазберон каби маҳаллаларда уни ҳурмат қилишади. Партиявий тарғибот-ташвиқот ишларида бу ҳеч муболағасиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини етакчи аёл яхши билади.

Юқорида тилга олинган иккала БПТда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 2019 йилга мўлжалланган иш режаси батафсил кўриб чиқилди ва фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда қўшимчалар киритилди. Байрам Муротова ва Зумрад Очилова ўзлари етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти раислигига қайта сайландилар.

Шу кунгача Ромитанда мавжуд 61 та БПТнинг 19 тасида раислар қайта сайланди. Юксак ишонч билдирилган таянч бўғин етакчилари орасида "Урганжиён", "Қалайчорбоғ" сингари МФЙлар ҳудудларида фаолият кўрсатиб келаётган БПТ раислари – Гулбаҳор Очилова, Рўзигул Ҳафизова, шунингдек, "Агробанк"нинг туман бўлимидаги қуйи бўғини етакчиси Улуғбек Тилавов ҳам бор.

Гарчи пешқадам БПТлар тарғибот-ташвиқот ишларида, ҳамкор ташкилотлар иштирокида партиявий тадбирлар ўтказишда, янги аъзоларни қабул қилиш ва маслакдошлар фаоллигини оширишда муайян натижаларга эришаётган бўлса-да, ўз фаолиятида сусткашликка йўл қўйган, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва ўз ваколатларидан унумли фойдаланмайдиган таянч бўғинлар ҳам йўқ эмас. Айрим БПТ етакчиларининг ўз ортидан партия аъзоларини эргаштира олмаётгани, O'zLiDePнинг дастурий мақсад-вазифаларини омма онгига сингдиришда партиявий воситалардан фойдаланмаётгани умум ишимизга салбий таъсир кўрсатяпти.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шу салбий жиҳатлар кўзга ташланяпти. Натижада вилоят бўйича шу кунгача йиғилиш ўтказилган 225 та БПТдан 35 тасида етакчиларга қайта ишонч билдирилмади. Жумладан, Пешку туманидаги 20 та қуйи бўғиннинг 8 тасига, Олот туманидаги 16 та таянч бўғиннинг 6 тасига, Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган 33 та бошланғич партия ташкилотининг 5 тасига янги раислар сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари вилоятнинг барча туманларида давом этмоқда.

O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Электоратга энг яқин бўғин

Бекобод шаҳар "Тинчлик" МФЙ ҳудудида фаолият юритаётган O'zLiDeP бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида мазкур қуйи бўғин етакчиси Камола Турдиеванинг 2018 йилдаги фаолияти ва 2019 йилдаги иш режалари юзасидан ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда БПТни кучайтириш, депутатлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришиш, партия аъзолари сафини кенгайтириш каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– Бошланғич партия ташкилотимиз 2005 йил очилган бўлиб, ҳозирда 28 нафар аъзони жипслаштирган, – дейди К.Турдиева. – Уларнинг кўпчилигини сиёсий жиҳатдан етук, ечимини кутаётган муаммолардан хабардор, электорат билан бевосита ишлашга қодир сафдошларимиз ташкил этади. Буни ўтган давр мобайнида БПТ томонидан одамларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган амалий ишлар самарасидан ҳам билиш қийин эмас.

Йиғилишда кўпчилик овоз билан БПТ етакчиси К.Турдиевага қайта ишонч билдирилди.

И. ЗОИТОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари

Партия сафига янги аъзолар қабул қилинди

O'zLiDeP Учқудуқ туман Кенгаши томонидан "Кўкпатас" геология қидирув экспедициясида фаолият кўрсатиб келаётган бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда 112 нафар аъзо иштирок этди. Дастлаб БПТнинг 2018 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот тингланиб, 2019 йил учун тузилган режалар лойиҳаси тақдим этилди.

Маҳаллий кенгашга 30-"Кўкпатас" сайлов округидан сайланган депутатимиз Абдуназар Қаршиев "Партия депутатлик гуруҳлари ва БПТларнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва роли" мавзусида маъруза қилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши давомида 22 нафар ходим O'zLiDeP аъзолигига қабул қилинди.

Н. РЎЗИЕВА,
O'zLiDeP Учқудуқ туман Кенгаши аппарат раҳбари

Ўқув-семинар

Бизнес бўйича сабоқлар

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши Сиёсий таълим маркази томонидан Ховос, Мирзаобод, Боёвут туманлари ва Ширин шаҳрида аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида "Ҳар бир оила - тадбиркор" Давлат дастури доирасида очиқ ўқув-семинар ташкил этилди.

Машғулотларда тижорат банклари мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, депутатлар, манфаатдор ташкилот ва идоралар раҳбарлари, тадбиркорликни бошлаш ниятида бўлган фуқаролар қатнашди.

Мутахассислар тадбиркорлигини бошламоқчи бўлганларга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар беришди, хусусан, банкдан кредит олишга доир тавсиялар ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, солиқ ва бошқа идоралар билан иш олиб бориш юзасидан тушунчалар берилди.

– Икки гектар боғим бор, – дейди боёвутлик Салоҳиддин Каримов. – Ўқув-семинардан кейин менда боғ ҳудудидаги 4 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиш ҳамда асаларичиликни йўлга қўйиш истаги туғилди. Машғулотларда ўзимни қизиқтирган саволларимга батафсил жавоб олдим.

Тадбир ниҳоясида 40дан зиёд йигит-қизга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Элёр ЖЎРАЕВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари

Муаммо-ечим

Мен ёнмасам, сиз ёнмасангиз...

Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Кичик деб саналганлари ҳам илдиз отиб, катталашиб бориши турган гап. Қачонки, вақтида ечим топилмаса...

Вилоят ҳокими аралашгач...

...Азамат Аброров тиришқоқ, янгиликка интилувчан тадбиркорлардан. 2017 йилда Хонободда дастлаб 8 та ишчи билан кичик трикотаж цехи ташкил қилганди. Ишнинг кўзини билган йигит пулни пулга уриштириб, даромадини маҳкам ушлади. Икки йиллик тажриба уни ўз фаолиятини янада кенгайтиришга ундади. "Cristal-a textile" МЧЖни ташкил қилиб, Хонобод педагогика касб-ҳунар коллежи балансидаги бўш турган ётоқхона "ноль" қийматида харид қилингач, бино таъмири учун жиддий ҳаракатга тушди. Каттагина маблағ сарфланди (аниқроғи, 1 миллиард сўмдан зиёд). Корхонага қирғизистонлик тадбиркор томонидан инвестиция киритилиб, 100 нафар иш ўрни яратилди. Айни вақтда бу ерда иш авжида. Лекин...

Муаммо шундаки, Хонобод шаҳар ҳокими томонидан тадбиркор Аброров Азаматжонга коллежнинг бўш биносини "ноль" қийматда тегишли шартлар асосида корхона учун беришга келишилган. Тадбиркор ҳам анойи эмас, аввало, шаҳар ҳокимлиги томонидан қўйилган қонуний шартлар тўлиқ бажарилгандан сўнггина корхонани ишга туширганди. Энг ёмони, ушбу ўқув даргоҳининг бўш биноси ҳанузгача "ноль" қийматда корхона балансига турли баҳоналар рўкач қилиниб, ўтказиб берилмай келинаётганди. Мазкур масала юзасидан ишбилармоннинг мурожаат қилмаган идораси қолмади ҳисоб. "Албатта ҳал бўлади"дан кўнгил тўлармиди? Кутишлар асаб торларини таранглаштириб, муаммонинг илдиз отишига сабаб бўлмайдими? Тўғри, маҳаллий кенгаш депутати ҳам қўлидан келгунича ёрдам беришга уринди, тегишли тартибда депутатлик сўрови йўлланди. Бироқ жўяли жавоб қайтарилмади.

Ниҳоят, вилоят ҳокими аралашганидан кейингина тадбиркорни қийнаётган муаммога нуқта қўйилди!

Депутат камарбаста, тадбиркор эса...

...Бахтиёр Аҳмаджонов Балиқчи туманининг Ўртақўрғон маҳалласида ювиш, тозалаш воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Best soup group" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Айни вақтгача жамият самарали фаолият олиб бормоқда. Чет эллик сармоядор томонидан киритилган 400 миллион сўмлик инвестиция маҳсулотларнинг сифати талаб даражасида бўлишига ва, албатта, харидорлар сони ортишига хизмат қилмоқда. Тадбиркор эса энди фаолиятини кенгайтирмоқчи. Аммо жой масаласи оғир. Бино кичиклик қилаётгани аниқ. Ички ва ташқи бозорда ҳам мижозлар сафи кенгайди. Хуллас, бино ёки бўш ер топиш керак! Ишбилармоннинг оғриқли нуқтаси O'zLiDeP Балиқчи туман Кенгаши томонидан тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш жараёнларида яққол кўзга ташланди. Яхшиямки, партия "Сизга қандай кўмак керак?" дея эшик қоқди. Акс ҳолда, тадбиркор бошини қайси деворга уришини билмай юрармиди?..

Муаммо халқ депутатлари Балиқчи туман Кенгаши депутати Малоҳат Ёқубовага йўналтирилди. Халқ ноиби мурожаатни атрофлича ўрганиб, тегишли мутасаддига депутатлик сўрови йўллади. Аммо... қайтарилган жавоб тадбиркорни қониқтирмади. У фаолиятини кенгайтириш мақсадида сўраган "1" сўм қийматидаги бино айни унинг тадбиркорлик объекти жойлашган ҳудудда йўқ эди-да. Атрофда маҳаллий аҳолининг турар, яшаш уйлари... Бошқа ҳудудлардаги бўш турган бинолар тадбиркорга керак эмас. Негаки, объектлар ёндош бўлса, иш унуми ошади, айрим пайтларда вақт масаласи қийнамайди, ишчиларнинг қатнови мушкуллик туғдирмайди. Мана, сабаб деганлари тўлиб-тошиб ётибди. Хўш, энди ечимни ким беради? Депутат ва мутасадди топган имкон ишбилармонга мақбул келмаса, унинг берган таклифи аҳоли вакилларига муаммо туғдирса?..

Хуллас, бу масала ҳали ўз ечимини топгани йўқ...

Ташаббускор шундай бўлсин-да!

Избосканлик Абдусаттор Эркиновнинг ҳам ташаббуси тошни ёради. Фуқаронинг хусусий шифохона қуриш мақсади туман мутасаддиларига жуда маъқул келди. Ахир саломатлик учун узоқ манзилга бормай, вақт ва пулни тежаган ҳолда қоғлиқни тиклаш кимга ёқмайди?

Бизнес лойиҳа тайёр. Ҳатто россиялик инвестор ҳам ҳаракатда. 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритилиши натижасида 20 та иш ўрни яратилади. Имкониятдан фойдаланиш керак, тўғрими? Фақат... ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш учун 0,3 гектар ер майдони керак. Избоскан туман ҳокимлиги томонидан кўрсатилган захирадаги ер майдони лойиҳага тўғри келмаган. Сабаби, айтилган манзилда хусусий шифохона мавжуд, бунинг устига, йўл бўйидан анча ичкарида жойлашган. Ноқулайликлар боис тадбиркор бошқа ер майдони сўраб қайта мурожаат қилган. Тиришқоқ йигитнинг жой масаласидаги "инжиқ"лиги лойиҳа учун қулай ер майдони ажратилишига сабаб бўла олди.

Буни тиниб-тинчимаслик, йўлдан оғишмаслик дейдилар. Айни вақтда А. Эркиновнинг аҳоли саломатлиги йўлида бошлаган хайрли ҳаракати давом этяпти.

***

Тадбиркорликда ҳеч бир иш осонгина амалга ошмаслиги тайин. Аслида бировнинг ёрдами "қўл билан берганга қуш тўймас" қабилидадир. Депутат, депутат деймиз, кўкларга кўтарамиз, кичик ишларини катта қилиб кўрсатамиз, аммо шундай вакиллар ҳам борки, ҳатто депутатлик мақомини оқлаш у ёқда турсин, зиммасидаги оддийгина вазифани ҳам тўлиқ англамайди. Юқоридаги каби муаммога дуч келганда бошини қайга уришни билмаётган тадбиркорларга депутатга учрашиши кераклигини, улар халқ билан гаплашганимизда ноибларга ишончсизлигини яққол билдириб қўядилар: "Қўйинг, фойдаси йўқ, муаммомни ўзим ҳал қиларман..." Бундай тушунчалар тадбиркорлар қатлами, борингки, одамлар онгида қачон ва қандай сабаблар билан шаклланиб улгурди? Жавобини ич-ичингиздан айтиб турганингиз аниқ! Фақат энди бошни қашиб, мулоҳаза қилиш, айтиш жоиз бўлса, элакни сувдан кўтариш вақти келганини эслатмоқчимиз, холос.

Зилола РАҲМОНОВА,
"XXI asr" мухбири

Маҳаллий кенгашларда

Ҳисоботда қониқарли, амалда-чи?

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ҳамда маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва мазкур соҳага доир ҳужжатларнинг бажарилиши, шунингдек, жорий йил давомида ишга туширилиши режалаштирилаётган давлат-хусусий шерикчилиги асосида барпо этилаётган ҳамда оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларига ажратиладиган инвестициялар ҳажми тўғрисида белгиланган чора-тадбирлар ижроси атрофлича кўриб чиқилди. Депутатларга Хоразм вилояти мактабгача таълим бошқармаси, молия бош бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси, тегишли банкларнинг филиаллари масъул ходимлари ҳисобот бердилар.

Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари в.б. Фурқат Рўзметовнинг ахборотига қараганда, 2017 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятдаги 3-7 ёшли болалар сони 141 496 нафарни ташкил этиб, 252 та (247 та давлат, 5 та нодавлат) мактабгача таълим муассасаларига 29 700 нафари ёки 20,7 фоизи қамраб олинган эди, холос. 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига бу кўрсаткич 32,4 фоизга етди. Ўз навбатида, мактабгача таълим муассасалари сони 321 тани (309 та давлат, 11 та нодавлат, 1 та давлат-хусусий шерикчилиги асосида) ташкил қилди.

Бугунги кунда эса вилоятдаги 50 500 нафар боғча ёшдаги болаларнинг 34,7 фоизи 381 та мактабгача таълим муассасасига (315 та давлат, 15 та нодавлат, 8 та давлат-хусусий шерикчилиги асосида ва 43 та оилавий МТМ) қамраб олинди. 2019 йил якунига қадар қамров даражаси 60 фоизга етиши тахмин қилинаётир.

– Ушбу йўналишдаги ижобий натижалар, яъни ҳисоботда келтирилган маълумотлар кишини хурсанд қилади, – дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Шерипбой Ражабов. – Лекин шунинг ўзигина етарлимикан? МТМ қураман ёхуд хусусий боғча очаман деган тадбиркорларнинг ечилмаётган масалалари тўпланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас-ку!? Бошқарма ходимлари фаолиятидан ишбилармонлар қониқиш ҳосил қилмаяпти. Хусусий мактабгача таълим муассасаси қуриш мақсадида иш бошлаган тадбиркорлар ҳолидан хабар олмаётир улар. Ходимларни қўя турайлик, бошқарма бошлиғининг ўзи бугунги эшитувга келмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Давлатимиз раҳбари ёшларимиз келажаги учун қайғуриб, катта имкониятлар яратиб бераётган бир пайтда ишга бундай муносабатни тушуниш мушкул.

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари мутасаддиларнинг ҳисоботларини эшитиши баробарида тадбиркорларнинг муаммоларини батафсил ўрганди. Жумладан, хивалик тадбиркор Руслан Раҳмоновнинг айтишича, бир ярим йилдан бери давлат шериклиги асосида "Санобар" номли хусусий МТМ очиш ҳаракатида. 550 миллион сўм ўз маблағи эвазига шу кунгача қурилишнинг 25 фоизини бажариб улгурган. Аммо 2019 йилнинг 1 мартига қадар ажратилиши лозим бўлган маблағдан ҳали ҳам дарак йўқ. Мактабгача таълим вазирлиги бу борада икки томонлама тузилган битим шартларини бузмоқда. Вақт ўтгани сари қурилиш молларининг нархи қимматлашаётган бўлса?

Хива тумани Лолазор маҳалласидаги "Ёғду" мактабгача таълим муассасаси раҳбари Хайрулла Гадиниёзов ҳам тузган битимга кўра, шу йилнинг февраль ойигача кредит маблағи олиши лозим эди. Лекин орадан икки ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам пул ажратилмади.

Урганч туманида 200 ўринли нодавлат мактабгача таълим муассасаси очиш бўйича тадбиркор Матқурбон Норбоев ер масаласида муаммога учраётгани, Хонқа туманидан Фарҳод Олимовга НМТМ қуриш учун ер ажратишга туман ҳокимининг қарори чиққанига қарамай, ҳанузгача мутасаддилар ер майдони ажратиб берилмагани ва бошқа қатор масала ҳам депутатларни эътиборсиз қолдирмади.

– Бугун тилга олинган муаммоларнинг барчасини МТМ бошқармаси бошлиғи И. Якубова билан биргаликда атрофлича ўрганиб чиқамиз, – деди Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Шавкат Сафарбоев.

Азизбек МАТНАЗАРОВ,
O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудири

Томорқа – хазина

Нобель мукофоти лауреати, таниқли ёзувчи Михаил Шолохов ўз даврида қатор публицистик чиқишлари билан ҳам яхши танилган эди. Ижодий сафарларининг бирида ёзувчи томорқа мавзусига ҳам мурожаат қилиб, бир қатор муаммоларни кўтарди.

Маълум бўлишича, ўша кезларда шахсий томорқадаги дарахтлардан олинадиган ҳосилга ҳам солиқ солинар экан. Ҳали ҳосили йиғиб олинмаган мевали дарахтларга солиқ солинаётганидан безган Дон казаклари, эшагидан тушови қиммат тушаётганини кўриб, уларни кесиб ташлашни маъқул кўришаётганини ёзувчи куйиниб ёзган эди. Бугун бу воқеага биров ишониши қийин. Бироқ томорқадан олинган фойдани "меҳнатсиз даромад" деб ҳисоблаш, хусусий мулкчиликка қарши курашиш, аста-секин нафақат ёзувчи тилга олган томонларда, балки бутун мамлакатда боқимандалик кайфиятининг келиб чиқиш сабабларидан, кўринишларидан бири бўлгани ҳам бор гап. Дўппи деса, бош кесадиган баъзи ҳайбаракаллачилар одамларни ҳатто томорқаларга ҳам пахта экишга мажбур қилишганини кекса авлод яхши эслайди.

Бирники мингга, мингники туманга...

Мустақиллик йилларда бу ҳолатга барҳам берилди. Айниқса, сўнгги йилларда томорқадан унумли фойдаланишга жиддий эътибор бериляпти. Бу жараённинг кенг қулоч ёйишига "O'zLiDeP бошланғич ташкилотлари ўз томорқасида тадбиркорлигини бошлаганларга кўмакдош" лойиҳаси доирасидаги турли тадбирлар, ташвиқот ишлари билан партиядошларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

– Лойиҳа доирасида 1 250дан ортиқ юртдошларимизга томорқани ривожлантириш учун кредитлар олишга кўмаклашилди, – дейди партия Жиззах вилоят Кенгаши ходими Холбек Асадов. – Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишлари, мониторинглар, ўқув-амалий семинарлар, маҳорат машғулотлари ҳам жойларда томорқани ривожлантиришга янги инновацион технологияларни жалб қилиб, аҳолига кафтдек ердан ҳам катта даромад олиш мумкинлигини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навбатдаги – "Шахсий томорқадан самарали фойдаланиш йўллари" деб номланган кўргазмали-амалий семинар Дўстлик туманидаги "Қаҳрамон" маҳалласида ташкил этилди.

Тадбирга таклиф қилинган 40 нафар иштирокчи ўз шахсий томорқасидан унумли фойдаланаётган 85 яшар деҳқон Шарофиддин ота Қурбоновнинг амалга ошираётган ишлари, олаётган даромади, илғор тажрибаси билан танишдилар.

– Ҳар бир ишга авваламбор меҳр билан ёндашиш керак. Яхши ният, уқув билан қилинган меҳнат бесамар кетмайди, – дейди отахон. – Бир неча йил аввал ҳовлимизда 2 сотихлик иссиқхона қуриб помидор кўчатлари эккан эдик. Иссиқхонада ишлашни яхши кўрганим учун ҳар бир кўчатни астойдил парвариш қилдим. Ҳозирда йилига 2 марта ҳосил олиб, 5-6 миллион сўм даромад қиляпмиз. Бу йил фаолиятимизни кенгайтириб, бодринг, редиска ва булғор қалампирларини экиш учун банкдан имтиёзли кредит олдик. Бир йиллик даромаддан кредитни уздик.

Иссиқхонани айланар экансиз, мўъжазгина томорқадан унумли фойдаланаётган 27 набира, 10 чеваранинг бобосини кўрган ҳар қандай одамнинг баҳри-дили очилади.

– Ушбу семинар давомида томорқадан фойдаланиш тўғрисидаги фикрларим ўзгарди, – дейди тадбир иштирокчиси Малоҳат Эгамова. – Кўпинча пул топиш, яхши яшашни орзу қиламиз-у, аммо оёғимиз остидаги ердан унумли фойдаланишни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Мен ушбу тадбир давомида кўрган-эшитганларимни ўз томорқамда амалга оширмоқчиман. Семинар давомида фаолиятимни йўлга қўйиш учун зарур бўлган барча маълумотларни олганим учун ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Халқимизда бирники мингга, мингники туманга, деган нақл бор. Бир кишининг ибратли ишлари бошқаларга ҳам ўрнак бўлган, шекилли, бутун маҳалла ҳудудида яшнаб турган томорқалар кўзга ташланади. Шахсий томорқаларни ривожлантириш учун зарур сув, ўғит, кредит ва бошқа масалалар ўз вақтида ҳал қилинса, натижа албатта ижобий бўлишини қаҳрамонликлар фаолияти исботлаб турибди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Мулоқот

Томорқачиларга елкадошмиз

Амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлиги анча ошди. Шу билан бирга, бу йўналишда муайян камчиликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. O'zLiDeP мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, аҳоли ихтиёридаги ерларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланишга қаратилган ташаббусларни илгари суряпти.

Хусусан, Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарларидаги хонадонларда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини янада кучайтириш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳар бир оилага томорқадан фойдаланиш унумдорлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида партия вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларининг 64 та тарғибот ва мониторинг гуруҳи ташкил этилди. Жорий йилнинг 18 мартидан 20 апрелига қадар мазкур гуруҳлар 13 минг 670 та хонадонга кириб боришди, томорқадан фойдаланиш ҳолатлари юзасидан мониторинг қилинди. Ўтказилган таҳлиллар натижасида вилоят бўйича жами 44,4 гектар томорқа қаровсиз қолгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Қайд этиш керакки, ўрганишлар жараёнида 83 нафар фуқаро кредит олиш, 208 нафари суғориш ишлари, 2 960 нафари ерга ишлов бериш, 994 нафари эса кўчат ва уруғлик олиш масаласида мурожаат қилди. Томорқачилар томонидан тилга олинаётган масалаларни ҳал қилиш бўйича муайян ишлар бажарилди. Жумладан, 58 нафар фуқарога кредит олиш, 144 нафарига суғориш ишлари, 2 384 нафар хонадон эгаларига ерга ишлов бериш, 994 нафар фуқарога кўчат ва уруғлик олишда амалий ёрдам берилди.

Шунингдек, партия ишчи гуруҳлари томонидан 1 420 нафар тажрибали деҳқон ва томорқачилар аниқланди ҳамда 1 320 та хонадон эгаларига томорқадан самарали фойдаланиш бўйича зарур маслаҳатлар берилди, маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Қодир ШОЙИМОВ,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши бўлим мудири

Нуқтаи назар

Етказилган зарар: жавобгарлик кимнинг зиммасида?

Мамлакатимиз қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ҳозирда 17 та кодекс (жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик процессуал, солиқ, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, меҳнат, ҳаво, оила, ер, шаҳарсозлик, уй-жой, божхона, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал, бюджет кодекслари) мавжуд. Аммо улар орасида Фуқаролик кодекси ҳеч бир муболағасиз, муносабатлар кўламининг кенглиги, ранг-баранглиги билан ўзига хос ўрин тутади. Мазкур тузук мазмунан ва ҳажман, шунингдек, бирмунча барқарорлиги билан мамлакатимиз қонун ҳужжатлари миллий базасида бошқа қонунлардан, хусусан, кодекслардан ажралиб туради.

Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишида қайд этилганидек, *"1995-1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси "ўтиш даври"нинг кенг кўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратишга имкон берди".* Дарҳақиқат, UNIDRUA тамойилларида белгиланганидек, товарлар, хизматлар ва капиталларнинг эркин ҳаракатда бўлишини таъминловчи кодификациявий қонун – Фуқаролик кодекси ўз даврида зиммасидаги юкни бажарди, дейиш мумкин.

Бироқ сифат жиҳатидан изчиллик билан ўзгараётган бугунги кун тадбиркорлар ва хусусий мулкдорлар, потенциал хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш бирламчи вазифадир. Шу маънода мазкур фармойиш фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асос яратиш борасида жиддий қадам ташланиши бўлди. Яъни, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Фуқаролик кодекси шаклан 2 қисм, 6 бўлим, 71 боб, 1 189 (дастлаб – 1 199 моддадан иборат эди) моддани ташкил этади.

Воқеалар ривожи, ҳуқуқ субъектлари лаёқатининг динамикаси кенгайиш томонга қараб кетаётганлиги, ижтимоий муносабатларнинг шиддатли тараққиёти кодексда такомиллаштириш лозим бўлган нуқталар ҳали талайгина эканини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, фармойиш билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси"да белгиланганидек, фуқаролик қонунчилигини инвентаризациядан ўтказиш, халқаро стандартлар талабларига ва энг яхши хорижий амалиётларга мувофиқлаштириш, атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъноларини аниқ таърифлаш ва бир хилда қўллаш орқали такомиллаштириш, турлича шарҳланадиган ёки амалиётда қўлланилиши масаласида тушунтиришларни талаб қиладиган нормаларни чиқариб ташлаш ёки уларни такомиллаштириш, ҳаволаки нормаларни қисқартириш лозим.

Баён этилганлардан хулоса қилиб, кодексда ҳамда унга турдош муносабатлар соҳасида такомиллаштириш лозим бўлган айрим жиҳатларга тўхталсак.

Фуқаролик кодексининг 991-моддасига мувофиқ қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Ушбу норма шахсга нисбатан юқорида қайд этилган ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қопланишининг умумий асосларини белгилайди. Норманинг сўнгида ифодаланган "қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади" ибораси ана шу умумийликдан далолат беради.

Инсон олий қадрият ҳисобланар экан, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини турли тўсқинликлардан, ҳуқуқбузарликлардан қонунларда белгиланган турли усуллар билан ўзини ҳимоя қилиши лозим. Кўпчилик ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний ҳаракатлар натижасида фуқароларга етказилган зарарнинг қопланиши узоқ муддатга чўзилиб кетади. ***Аксарият ҳолларда эса, бундай зарарни қоплашнинг ўта қийинлиги сабабли азият чеккан фуқаролар "қутилганларига шукр" қилиб, келтирилган зарар (ўз ҳақлари)ни ундиришни талаб қилмайдилар. Дарҳакиқат, бундай зарарни қоплашни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги шундай оқибатларни вужудга келтирмоқда.***

Дарҳақиқат, зарар айбдор органнинг ўзи ёки мансабдор шахс мансуб бўлган орган томонидан қопланиши керак. Лекин давлат маблағлари умумий ва ягона фонд давлат бюджетига жамланганини ҳисобга олиб, **етказилган зарар учун жавобгарликни бевосита давлат бюджетига масъул орган – молия органлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаш жоиз.** Шунингдек, даъво ҳам айнан тегишли ҳудуддаги (жабрланувчи жойлашган ёки давлат органи ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган) молия органига нисбатан қўзғатилади. Зеро, молия органлари маблағларнинг давлат бюджетига киритилиши ва давлат бюджетидан чиқарилишини назорат этиб, бевосита шу фаолиятни амалга оширар экан, давлат қилиши лозим бўлган харажатларни ҳам молия органлари амалга оширишлари лозим. Албатта, етказилган зарарни давлат бюджети ҳисобидан қопланиши учун суднинг тегишли ҳал қилув қарори керак бўлади. Қарор асосида молия органи бюджет (давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари бюджети) дан тегишли маблағни жабрланувчига тўланишини таъминлаши зарур.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги қонуни етказилган зарарни қоплаш мажбурияти тўғридан тўғри мансабдор шахслар зиммасига юкланишини жорий этди. Ушбу қоида Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиш бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатларини, уларга етказилган зарарни тўлиқ ҳолда қопланишини чеклайди. Масалан, зарар етказишда айбдор мансабдор шахс зиммасига зарарни қоплаш мажбурияти юкланди. Лекин унинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки мавжуд эмас. Бундай ҳолларда эса жабрланувчи ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига эриша олмайди. Бундан ташқари, етказилган зарарни қоплашни мансабдор шахс зиммасига юклаш тўғрисидаги қарорни суд айнан қандай асосда чиқариши ҳам, фикримизча, мантиқий асосга эга эмас. Чунки мансабдор шахс давлат номидан ҳаракат қилади ва унинг ҳаракатлари натижасида мансабдор шахсда эмас, балки давлатда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Назаримизда, бу ҳолатда жавобгарликни мансабдор шахсга юклашга доир Фуқаролик кодексининг 15, 990 ва 991-моддаларига киритилган ўзгартишларни кодекснинг янги таҳриридан чиқариб ташлаш лозим. Ушбу фикр аналогияси Жиноят-процессуал кодексининг 305-моддаси (Мулкий зиённи қоплаш манбаи)да белгиланган қуйидаги нормада ҳам кузатилади: *"Ушбу Кодекс 304-моддасининг 1, 3, 4, 5 ва 6-бандларида кўрсатилган зиён молия органлари томонидан, 2-бандида кўрсатилган зиён Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан* ***давлат бюджети*** *ҳисобидан қопланади".*

Айни чоғда ФКнинг 991-моддаси қонунчиликка киритилган қўшимчалар билан (хусусан, "эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни" сўзларидан кейин *"уй қамоғи, гаров"*; "муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни" сўзларидан кейин *"ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан кўмондонлик кузатуви")* тўлдирилиши лозим. Шуни ҳам айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг янги таҳрири айрим қонун ости ҳужжатларини ҳам қайтадан кўриб чиқишни талаб этади. Жумладан, 991-моддага киритилиши таклиф этилаётган ушбу характердаги ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 3 декабрдаги "Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами: 1095, 12.01.2002 й.)да ҳам ўз аксини топиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашуви сари, кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари борар эканмиз, бунда муносабатлар шаффоф, кучли ҳуқуқий таъсир чоралари ва механизмлар асосида бўлишини тараққиётнинг, ҳуқуқий онгимиз ва ҳуқуқий маданиятимизнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунда бозор иқтисодиётининг ўзига хос конституцияси ҳисобланган – Фуқаролик кодексининг ўрни, шубҳасиз, беқиёсдир.

Ишланиши кутилаётган кодекс мулк нима-ю, мулкдор кимлигига, унинг титул ҳуқуқларига янада аниқлик киритиши, хусусий мулкни ҳимоя қилиш усул ва воситалари нималардан иборатлиги, шартномавийликка, мамлакатда ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий иқлимни яхшилашга, пировардида, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга хизмат қилиши лозим.

Миродил БАРАТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Ушбу рукн остида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгилик ва воқеалар, ижтимоий тармоқларда кўпчиликнинг муҳокамасига сабаб бўлган мавзулар, шунингдек, таҳририятимизга юртдошларимиздан турфа шаклда (мактуб, электрон, телефон ва ҳоказо) келаётган шикоят, таклиф ва мулоҳазалар мунтазам чоп этиб борилади.

Аввалдан айтиб қўяйлик, таҳририят ҳар қандай масалада холислик тарафдоридир, томонлар ўртасида ҳакамлик даъвосини қилмайди. Табиийки, билдирилаётган фикр, қарашлар бизнинг нуқтаи назаримиздан фарқланиши мумкин. Бу, бор-йўғи, МУНОСАБАТ МАЙДОНИдаги кузатувларимиз, холос.

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Эркин Аъзам эътирофи

"...Дарвоқе, асли раснинг боласи эмасмиди, Ошно катталик йўлини тутиб, неча йиллар турли мансабу лавозимларда юрди. Билсангиз, бундай "гулилола, гулилола" дея пишқириб тоққа чиқаётганингизда пастда қолганларнинг ҳол-аҳволи кўзингизга кўринмайди; агар шоир-ёзувчи бўлсангиз-ку, адабиёт деганлари назарингизда жуда аҳамиятсиз бўлмаса-да, ҳарқалай, резароқ бир машғулотга айланиб қолади. Оғир қалам меҳнатидан кўра оғизнинг ҳовури билан битадиган амаллар кўп чандон афзалдек туюлади. Ҳудолиғини айтсак, Ошномиз ўшал отда юрган кезлари асар ёзмаган бўлса ёзмагандир-у, лекин одатда оқ қўлқоп кийиб қилинадиган кўп ғаддорликлардан ўзини мардона четда тутабилди. Чалғимоққа бошқа эрмак топди. Ҳарнечук, жигар андак азият тортганини айтмаса, имон басаломат қолди. Мана, энди эл-юрт олдида юз ёруғ!

Ошномизнинг "истеъдоди сўнганидан каромат қилгувчи"ларга эса жавобимиз бундай: тан олайлик, у бир ёзувчининг чекидаги вазифани ўн баробарга етказиб адо этди! Йигирманчи аср ўзбек адабиётининг беш дурдонасидан бирини яратиб улгурди. Том-томлаб асар ёзиб эмас, "Лолазор"дек биттагина роман билан ҳам адабиётни забт этиш мумкинлигини исботлади. Воқеан, ҳарқанча қўламдор бўлмасин, "Лолазор"дан сўнг у нега каттароқ нарса ёзмади? Бироқ биттагина асар билан адабиёт тарихидан жой олиб, кейин шунинг тафтида яшаб ўтган ёзувчилар кам дейсизми?! "Тинчоқар Дон" муаллифини мисол келтириб балога қолиш ниятимиз йўқ. Бизнингча, Ошно "Лолазор"дек асар битароқ қулочни катта отган-у, энди ўшал маррадан ўтмоққа чоғи келмаётгандек. Мард, танти кўнгил мудом янги сўз, янги оҳанг ахтариш билан банд, шундан бошқасини тан олмайди".

(Таниқли адибимизнинг яқиндагина, кўп эмас, кам эмас, нақ 70 ёшни тўлдирган ўзбек миллий адабиёти дарғаларидан бири Мурод Муҳаммад Дўст шахсияти, ижоди хусусидаги "Ошно" деб номланган митти эссесидан парча)

Тадбиркор яна 19 йил "ўтириш"га рози

Тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида 1990 йил 6 июнь куни Ургут шаҳрида биринчилардан бўлиб "Рисола" кўп тармоқли, савдо, ишлаб чиқариш фирмасини давлат рўйхатидан ўтказиб, йиллар давомида аҳолига кўплаб иш ўринлари яратдик.

Жумладан, макарон, музқаймоқ, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, эшик-ромлар, металл панжаралар, иситиш қозонларини ясаш, тикув цехи ва шу каби бошқа ҳунармандлик цехлари – жами 15 та ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритар эди.

1990-2008 йиллар давомидаги фаолиятим натижасида "Ташаббус–1999" кўрик-танловининг республика босқичида фахрий биринчи ўринни эгалладим.

"Рисола" фирмамизда 2007 йил 10 сентябрь куни давлат солиқ инспекцияси буйруғи билан асоссиз равишда навбатдан ташқари координацион текширув ўтказилди. 2007 йил сентябрь ойидан 2008 йилнинг июль ойига қадар ушбу фирма ва ишчи хизматчилари, менинг ўзимга нисбатан ўйлаб топилган туҳматлардан иборат айблар билан 7 марта жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Бўйнимга қўйилиши режалаштирилган айблар ўз тасдиғини топмаган бўлса-да, 2008 йил 17 июль куни такрорий сўроқсиз мени ҳибсга олишди. Менга сўроқсиз, тегишли юзлаштириш-тергов ҳаракатларини олиб бормасдан, "хуфёна раҳбар" деган тамға қўйилди. 2009 йил 10 февраль куни мол-мулким мусодара қилинди. Давлатга 1.723.638 минг сўм етказилган зарарни солидар тартибда бошқа судланувчилар билан бирга ундириш, ўзимни 19 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида судья М.Шерйигитов томонидан мутлақо қонунга хилоф ҳукм чиқарилди.

Ҳибсдалигимда суд ҳукмидан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларига мурожаат қила бошладим. 2016 йил 31 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ЖИБ судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида раислик қилган судья У.Расулбердиев Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари томонидан назорат тартибида келтирилган протестини кўриб чиқиб қуйидагиларни аниқлади:

"Ҳукмнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1852-моддаси 2-қисми бўйича Х.Муртазоев айбли деб топилган қисми бекор қилиниб, шу қисми Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига кўра тугатилган.

Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" бандидан ЖКнинг 168-моддасининг 1-қисмига ҳамда 28-моддаси ва 210-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 188-моддасининг 3-қисми "а", "б" бандларидан ЖКнинг (янги таҳрирдаги) 188-моддасига 189-моддасининг 3-қисмидан 189-моддасига қайта квалификация қилиб, 18 йилу 6 ой белгиланган жазони 2016 йил 31 март куни ЖКнинг 59-61-моддалари таркибида қайд қилинган жазо кўшиш йўли билан узил-кесил 13 йилу 4 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган (яъни жазо 5 йилу 2 ой муддатга қисқартирилган)".

Бундан ташқари, 2016 йил 18 апрель № 1-ЖЮМ/168-16-сонли Самарқанд вилоят судининг жавоб хатида 2009 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг "а", "б" бандлари билан судланган Ҳалим Муртазоевга нисбатан ҳукмга асосан "Ургутшаробсавдо" унитар корхонасига Ҳ.Муртазоевнинг ҳисобидан моддий зарар ундириш белгиланган"и кўрсатилган.

Мен 2017 йил 31 март куни озодликка чиқиб, тадбиркорлик фаолиятимни давом эттириш мақсадида ўзимга тегишли бўлган "Рисолатбегим" ва "Бинни Фарҳод" ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳужжатларини қонуний расмийлаштириш учун Ургут тумани ва Самарқанд вилоятининг тадбиркорликка оид тегишли мутасадди раҳбарларига ўрнатилган тартибда мурожаат қилдим. Улар "отангга бор, онангга бор" қабилида иш тутиб, икки йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланишимга йўл бермайди. Агар менга имкон берилганда 150 кишини мунтазам иш билан таъминлаган бўлардим.

Агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15 та моддаси бўйича қўйилган айбларнинг бирортаси бўйича менинг айбим тасдиқланса, такроран яна 19 йилга озодликдан маҳрум этишларига розиман.

Ҳалим Муртазоев,
тадбиркор
Самарқанд вилояти.

("ЎзА минбари" рукни остида эълон қилинган самарқандлик тадбиркорнинг "Агар айбим тасдиқланса, яна 19 йил озодликдан маҳрум этишларига розиман" деб номланган шикоятидан парча)

ТВдаги пулли шоулар миллатни зомбига айлантиряпти(ми?)

Хусусий телеканалларда ўзбек ТВ тарихидаги шов-шувли шоулар даври бошланди. "Зўр ТВ"нинг "Борига барака"си бошлаб берган ана шу юришни ҳозир бошқа каналлар ҳам давом эттирмоқда.



Тан олиш керак, "Борига барака" қисқа муддат ичида катта аудиторияга эга бўлди. Халқимиз бир неча усуллар билан тўловлар қилиб, ўйинда қатнашишни истамоқда. Кейинроқ унга тақлидан "Омад шоу" ("Менинг юртим") чиқди. "Борига барака"да кнопка босишса, "Омад шоу"да барабан айлантирилади. Хуллас, таваккал.

Анонсларга қулоқ тутсак, яқин орада бошқа каналлардаям шундай шоулар чиқиши кутиляпти: "Миллионер шоу", "Бойвачча шоу" ва ҳоказо. Биз уларни ёмонламоқчи эмасмиз, ғайирлигимиз ҳам йўқ. Лекин баъзи фикрларни айтиб ўтсак.

Дунё тан олган ўйинларни олайлик. "Ким миллионер бўлишни истайди?" ўйини, масалан. Иштирокчилар билими эвазига пул ютишади. Ёки "Поле чудес"ни олинг, ундаям барабан айлантирилади, аммо савол-жавоби бор.

Биздаям бундай ўйинлар бор, йўқ эмас. Масалан, "Омадли такси" ("Менинг юртим"), "Бинго" ("Севимли") теледастурларида иштирокчиларга саволлар бериларкан, жавоби тўғри бўлса, пул ютуғи тақдим этилади. Мана, иложи бор экан-ку!

Халқни шунчаки мақсадсиз кнопка бостириб ёки барабан айлантириб, пул билан алдаш ислом динига ҳам тўғри келмаслигини бизгача айтишган. Майли, қандини уришсин, бироқ шуни ақллироқ қилса бўлади-ку! Одамларнинг кўзини пул билан шамғалат қилиб, зомбига айлантиришдан нима фойда бор?

Ў, фойдаси жуда катта бўляпти, фойдаси бўлмаганда аллақачон ёпилиб кетарди, дейсиз-да. Кимўзарга шоу қилиш авж оляпти, бу миллатни саводсизликка, боқимандаликка, осон пул топишга ва дангасаликка ўргатади. ОАВ (ТВ ҳам) бунга йўл қўймаслиги лозим.

Манба: телеграмдаги "Zednews" канали

Қалбимиз очилсин!

Бугун жанозада қатнашдим. Синфдошим, ёшликдан қадрдон дўстимнинг 48 ёшли рафиқаси вафот этди. Улар Учтепа туман ҳокимлиги яқинида истиқомат қилишади. Марҳума Чўпон ота қабристонига дафн қилинди.

...Жаноза ўқиб бўлингач, тобутни ҳозир русумга кирган машинада, ҳассакашларни эса автобусда олиб кетмоқчи эдик. Иккала машинага ҳам буюртма қилинганди. Орамиздаги қадрдонлардан бирининг "Келинглар, ўзимизнинг қадим одатимизга кўра тобутни қабристонгача елкамизда олиб борайлик, масофа узоқмас-ку, савоби каттароқ бўлади" деган таклифи кўпчиликка маъқул тушди. Светофорнинг яшил чироғи ёниб турган бўлса-да, инсофли, иймонли ҳайдовчилар бизларни ўтказиб юбориб, ўзлари ҳам сафимизга қўшилиб кетганини кўриб, кўзларимга ёш келди. Эътиборлиси, "Учтепа" савдо мажмуасидан ўтаётганимизда овқатланиб ўтирган хўрандалар, хизматчи ва сотувчиларнинг ҳам ўринларидан туриб, тобутни кўтармоққа шошилгани, йўл чеккасида бир зумгина тўхтаб турган автобус, маршрутка ва машиналар ичидаги юртдошларимизнинг қўллари фотиҳага очилгани... ҳар қандай инсоннинг қалбини титроқ ва ҳаяжонга солиши табиий. Кўрдингизми, бизнинг қанчалар улуғ қадриятларимиз бор. Демак, шундай ибратли урф-одатларимизни кўрсата билишимиз (тўғрироғи, англай билишимиз) керак.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
журналист
(Муаллифнинг "Фейсбук"даги профилидан олинди.)

ТўртТА маймун

Ҳайкаллар сиғиниш учун ясалмайди. Ҳарқалай, бизнинг жамиятда. Биров сиғинаётганиям йўқ. УчТА (нафар эмас) пайтавақулоқ Темур ҳайкали бошига чиқиб олди. Тўғри, тошданми, олмосданми, бронзаданми – у ҳайкал! Бу билан шунчаки, миллат қалбида у кишига нисбатан шаклланган ҳурматга, жамоат ва жамият тан олган қоидаларга оёқ артди. Улар буни диний нуқтаи назардан, атай ҳайкалларга қарши исён сифатида қилди, дея бонг урманг, илтимос! Улар бор-йўғи оддий бефаҳм. На диний, на дунёвий жамиятда ўз ўрнига эгалигига шубҳам бор. Одамзод қўли билан яратилган ҳар нарсага ҳурмат кўрсатилса, сиғиниляпти, деб қаралмаслигини истардим.

Изоҳ: Бир юртдошимиз тўртТА маймунни топиб, жамоат тартибини тушунтириб қўйиш керак, деган фикр билдирди. Унга қарши отилган тош ва Амир Темур сиймосига нописанд қарашганлари таъбимни хира қилди.

Исомиддин ПЎЛАТОВ,
журналист
(Муаллифнинг "Фейсбук"даги профилидан олинди.)

Дарвоқе:

Яқиндагина Президентимиз ташаббуси билан "Халқлар дўстлиги" саройи ёнида қайтадан қад ростлаган афсонавий Шомаҳмудовлар оиласининг уруш йилларидаги тенгсиз қаҳрамонликлари шарафига ўрнатилган ҳайкалга бемаъни қиликлар кўрсатиб, инсонийлик шаънига тўғри келмайдиган сўзларни айттан қиз ҳақида интернетда қанча шов-шувлар бўлганди. Бундай хурмача қиликлар "намойиш" этаётганларга Яратгандан инсоф тилаш билан бирга, амалдаги қонунчилигимизда бундай шахсларга нисбатан жавобгарлик ҳам белгиланганлигини эслатиб қўймоқчимиз.

Рукнни Жавҳарбек ҚОДИРОВ тайёрлади.

Таҳлил

САРҲИСОБ ЖИДДИЙ: хулоса ва сабоқ чиқариш керак

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгашининг жорий йил биринчи чораги якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат дастури доирасида ўтган уч ойда амалга оширилган ташкилий-партиявий, мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида сўз борди. Партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Арзиқул Шеровнинг ҳисобот маърузасида баён қилинишича, кенгаш томонидан партия электоратининг асосини ташкил этган тадбиркор ва фермерлар вакиллари манфаатларини ҳимоялаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг жамияттаги мавқеини ошириш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш орқали жойлардаги турли муаммоларнинг мақбул ечимларини топиш борасида бир қанча ишлар қилинди.

Халқ ноиблари томонидан турли масалалар бўйича тегишли ташкилотларга 214 та депутатлик сўрови юборилди. 32 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди. Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари сессияларига 20 та масала киритилиб, 2 та масала юзасидан Миришкор ва Яккабоғ туман кенгашларининг қарорлари қабул қилинди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан депутатлик сўрови 113 тага кўпайган. Мансабдор шахс (орган)ларнинг эшитувлари эса 20 тага камайган. Ғузор, Китоб, Қамаши, Нишон ва Шаҳрисабз туман кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари сессияларга бирорта ҳам масала киритмаган.

– Жиддий синов арафасидамиз, – дейди партия вилоят Кенгаши депутатлар билан ишлаш бўлими мудири Шуҳрат Ҳайдаров. – Яқинлашиб келаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб иштирок этиш учун партиявий фаолиятимизни жиддий таҳлил қилишимиз талаб этилмоқда. Қуйи бўғинлар фаолиятини ташкил этиш, барча поғонадаги депутатлар билан ҳамкорликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларнинг ижросини назоратга олиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада яхшилаш, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ва вилоят Кенгаши томонидан берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш юзасидан партия туман, шаҳар ташкилотлари фаолиятини ўрганганимизда салбий ҳолатларга ҳам дуч келдик. Айрим партия туман, шаҳар кенгашлари аппарати ходимлари ички меҳнат тартибига мутлақо риоя этмаяпти. Ишга келиш-кетиш қайд дафтари йўқ, фуқароларни қабул қилиш жадвали илинмаган. Ҳар бир партия бўлимида тасдиқланган номенклатура асосида иш олиб борилиши керак. Таассуфки, Қарши шаҳар, Қамаши ва Ғузор туман кенгашлари ижрочи котиблари номенклатура нима эканлигини ҳам билишмайди. Айрим БПТларда ҳужжатлар юритиш ишлари йўлга қўйилмаган. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши ва Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси, вилоят Кенгашининг қарор ва фармойишларининг ижроси юзасидан маҳаллий кенгашларда йиғма-жилдлар етарлича шакллантирилмаган. Бундай жилдни Ғузор туман Кенгашидан излаб тополмадик. Партия аъзолари электрон рўйхатининг янгилаб борилиши талабга жавоб бермайди. Сайёр қабуллар туман кенгашлари томонидан номигагина ўтказиляпти, холос. Туман, шаҳар кенгашлари фаолиятининг партия веб-сайтида ёритилиши талабга жавоб бермайди. Кенгашлар ҳузурида ташкил этилган "Тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш гуруҳи", "Тадбиркор аёлларнинг муаммоларини ўрганиш гуруҳи", "Келажак депутатлари гуруҳлари" фақат қоғоздагина мавжуд, аслида фаолият олиб бораётгани йўқ.

Йиғилишда ННТлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, депутатлар ташаббускорлигини ошириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада мукаммаллаштириш, ижро интизомига қатъий риоя этиш борасида билдирилган таклифлар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Хато ва камчиликларни тўғатиш учун тилга олинган партия туман, шаҳар масъул ходимларига бир ойлик муддат берилди.

Тадбир ниҳоясида тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйган партия фаоллари ва бошланғич партия ташкилотлари раислари вилоят Кенгашининг ташаккурномалари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Метрологик хизмат истиқболлари

Қизиқ факт: ўтган асрнинг 30-йилларида Туркистон Республикаси Ички савдони тартибга солиш қўмитаси қошида ўлчовлар ва тарозилар бюроси, 1924 йилда эса Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати лабораторияси ташкил этилган эди. Шу йилнинг ўзида Ўрта Осиё ўлчов ва тарозилари палатаси ташкил қилинган ва у айнан минтақа республикаларида метрологик хизматлар асосчиси бўлди.

Бу ўтмишнинг оқ ва қора саҳифаларидан айрим қайдлар, холос. Энди бугунга қайтайлик.

Ҳозирги кунда "Ўзстандарт" агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат метрологик хизмати кўп тармоқли, техник жиҳатдан тўла жиҳозланган ҳамда замонавий меъёрий ва методик ҳужжатлар билан таъминланган. Агентлик Миллий эталонлар маркази, Метрология хизматлари кўрсатиш маркази, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, 16 та ҳудудий марказ ва 148 та юридик шахс метрологик хизматида иборат катта тизимдир. Давлат метрологик хизматининг асосий вазифаси – мамлакатимизда ўлчашлар бирлигини таъминлаш орқали нотўғри ўлчашларнинг салбий натижаларидан истеъмолчилар ҳуқуқлари, фуқаролар соғлиғи ва хавфсизлиги, атроф-муҳит ҳамда давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек, давлатимиз экспорт салоҳиятини оширишга қўмаклашишдир.

Сир эмаски, миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг бугунги долзарб масалаларидан бири – бу экспорт қўламини кенгайтиришдан иборат. Ушбу масалани ҳал қилишда метрологиянинг ўрни ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яъни, халқаро савдога кўмаклашиш учун мамлакатда ўтказилган ўлчашлар натижаларининг бошқа давлатлар томонидан тан олинишини таъминлаш асосий негиз саналади. Берилган сертификатлар бошқа давлатлар томонидан тан олиниши экспорт қилувчиларга қулайликлар яратиб, экспорт маҳсулотлар таннархининг арзонлашишига олиб келади.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ўлчашларни халқаро талабларга мослаштириш, метрология соҳасидаги янгиланишлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидир. Қонуний-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, моддий-техника базасини янгилаш, малакали кадрлар тайёрлаш, халқаро муносабатларни такомиллаштириш ва халқаро метрологик ташкилотлар ишларида фаол қатнашиш шулар жумласидандир.

Охирги йилларда ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида бир талай саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML)нинг OIML D1: 2012 ҳужжатига уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги қонунига 2013-2014 йилларда тегишли ўзгартиришлар киритилди. Хорижда ўтказилган ўлчашларнинг мамлакатимизда тан олинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 октябрдаги "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.

Ерлан КУЛМАНБЕТОВ,
Олмалиқ ССМ директори,
Турдиқул НОРМАТОВ,
Олмалиқ ССМ матбуот котиби

Семинар

Аёл — оила бекаси — тадбиркор ва...

Самарқанд ветеринария медицина институтида "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. O'zLiDeP вилоят Кенгаши ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, вилоят адлия бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ННТлар вакиллари, тадбиркор аёллар иштирок этди.

Семинарда кун тартибидаги масала юзасидан маърузалар тингланди.

– Яқинда фаолият бошлаши кутилаётган Аёллар тадбиркорлиги марказининг вилоят ва Самарқанд шаҳар бўлимлари битта бинода жойлашади, – деди Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зебинисо Раҳмонова. – Мазкур марказда бизнесини бошлаш истагидаги аёлларга зарур маслаҳатлар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар бериб борилади. Хотин-қизларимиз жуда ишбилармон. Тадбиркор опа-сингилларимизга яқиндан ёрдам бермоқ ниятида Самарқанд шаҳрида бизнесини энди йўлга қўяётган 5 нафар аёлга кам фоизли 250 миллион сўм кредит ажратилишига кўмаклашдик.

Семинарда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари хусусида батафсил сўз юритилди. Чунончи, оилавий ажримлар борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Адлия бошқармаси юридик бўлими бошлиғи Нурқул Сафаровнинг айтишича, ўтган йили Самарқанд вилояти оилавий ажралишлар сони бўйича республикада биринчи ўринда бўлган. Бунинг сабабларидан бири кўп ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидир.

– Мулоқот жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди, – дейди семинар қатнашчиларидан бири Дилфуза Мамадиёрова. – Мутахассислардан кўплаб саволларимизга жавоб олдик.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

Реклама ҳуқуқида

Қадр ва қаддингиз баланд бўлсин!

Биламизки, Фарғона замини қадимдан ўзининг номдор тадбиркорлари билан доврўғ қозонган. Айниқса, мустақиллик йилларида бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилдики, бу ҳақда ҳар қанча фахрланиб сўзласак-да кам.

– Жорий йилда инвестицион лойиҳалар асосида вилоятда кўплаб бинокорлик ишлари амалга оширилиши режалаштирилган, – дейди **вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қурилишлар техник назоратчиси Қодиршер Юлдошев.** – Мисол учун, Қўқон шаҳрининг Сунбула маҳалласи ҳудудида 216 ўринли мактаб қурилмоқда. Мазкур таълим муассасаси биноси лойиҳа қиймати 3 миллиард 700 миллион сўм бўлиб, бу улкан лойиҳани амалга оширишни Қурбонали Абдураҳмонов бошчилигидаги "Қўқонагро қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари зиммаларига олишган. Шунингдек, 2 миллиард 400 миллион сўмлик лойиҳани ўзида жамлаган 22-умумтаълим мактабини "Сада" хусусий корхонаси реконструкция қиляпти. "Тўлабой ёғдуси" хусусий корхонаси бунёдкорлари эса 5 миллиард сўмдан ошиқ маблағ эвазига 19-мактабгача таълим муассасасини янгитдан барпо этишяпти.

Дарҳақиқат, мутасадди айтаётган мисоллар қилинаётган ишлардан бир шингил, холос. Қолганини эса қуйидаги рақам ва далиллар билан тасдиқлаймиз.

Данғара туманидаги Катта Оқтепа маҳалласи болажонлари учун замонавий услубда 32-мактабгача таълим муассасаси барпо этилмоқда. Ушбу 2,9 миллиард сўмлик лойиҳа рўёби йўлида бинокорлик соҳасида кўп йиллик тажрибага эга қурувчи Абдурашид Сирожиддинов раҳбарлигидаги "Шуҳратжон" хусусий корхонаси жамоаси жонбозлик кўрсатмоқда. Бу ерда иш юритувчи Соҳибназар Имомназаров бошчилик қилаётган 55 нафар қурувчига корхона тасарруфидаги юк ташувчи, кўтарма автокран, бетон қоришма ташувчи махсус автомашиналар хизмат кўрсатяпти. Сирасини айтганда, "Шуҳратжон" хусусий корхонаси ўтган давр мобайнида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси вилоят филиали буюртмасига асосан Данғара тумани Навбаҳор мавзесида 3 қаватли 18 хонадонли арзон ва шинам уй-жойни қуриб фойдаланишга топширди.

Шунингдек, Фарғона тумани Мингдонобод маҳалласида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ва ногиронлиги бор шахслар учун 19 та 3 қаватли 18 квартирали 2-3 хонали тураржойлар барпо этилди. Янги уйлар бино этилишида эса "Дугоба ниҳол сервис", "Шукрона файзли замин", "Зулфизар омади", "Комолхонов Жаҳон" масъулияти чекланган жамиятлари ишчилари тер тўкди.

Бу ишлар, рамзий маънода айтадиган бўлсак, дарёдан бир томчи, холос. Тилагимиз, фидойи, ҳалол меҳнатлари билан элда эъзоз топаётган қурувчиларнинг қадри ва қадди ҳамиша баланд бўлаверсин!

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

"Шўртан Газ Кимё мажмуаси"

масъулияти чекланган жамияти

корхона тасарруфида бўлган йўловчи, юк, махсус ва хавфли юкларни ташишга мўлжалланган автотранспорт воситаларига ўрнатилган двигателларга тегишли мотор мойи сотиб олиш учун очиқ танлов ўтказаётганини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати – 10 кун.
Талаблар жадвалда кўрсатилган.

Тўлиқ маълумот олиш учун корхона веб саҳифасига ёки қуйида кўрсатилган манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан қўрғони. **инд:** 180300;
Тел/факс / (0-375) 552-40-16, 552-46-55, **www.sgcc.uz, trn@sgcc.uz;**

№	Номи	Техник кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Сони
1	Карбюраторли автомобиллар учун мотор мойи	SAE 15 W 40 API CF-4/SJ	литр	15 000
2	Синтетик мотор мойи (енгил автомобилларга ўрнатилган инжекторли двигателлар учун)	SAE 5W40 API SN/CF	литр	800
3	Дизель двигателлар учун мотор мойи	SAE 10W40 API CI-4SL	литр	600
4	Дизель двигателлар учун мотор мойи	SAE 15 W 40 API CI-4/SL	литр	4 950

Буюртмачи мажбурияти:

сотиб олинадиган маҳсулот учун олдиндан шартномада кўрсатилган нархнинг 15% суммаси тўлаб берилади.

Бажарувчи мажбурияти:

зарурий ҳужжатларни шартнома тузиш жараёнигача тақдим қилади; маҳсулотлар синов сертификати, мувофиқлик паспорти, гаров хати ва бошқа тегишли амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабига мос келиши шарт.

ЭЪЛОН

Каракалпакский филиал ООО "Best auto auksion" сообщает что 27-мая, 11-июня и 26-июня 2019 года в 11.00 проводит открытые аукционные торги, на которые в порядке последовательного роста начальных цен выставляется на продажу:

Автотранспортные средства принадлежащие ОАО "Қорақалпоқагрокимёҳимоя", расположенные по адресу; РК, г. Нукус, ул. А.Досназаров, №12:

– Автомашина марки "Нексия". 2003 года выпуска, гос/номер 95/980FAA. Начальная цена: 5 200 000 сум.
– Автомашина марки "Нексия". 2003 года выпуска, гос/номер 95/757FAA. Начальная цена: 5 200 000 сум.
– Автомашина марки ГАЗ-53. 1987 года выпуска, гос/номер 95/467HAA. Начальная цена: 2 300 000 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00. ежедневно. Прием заявок прекращается 24-мая, 10-июня и 25-июня 2019 года. Покупатель вносит залог не менее 50 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с №2020 8000 4008 0578 4004, МФО 00585, ИНН 305 089 257, КК филиала ООО "BEST AUTO AUKSION" в ОАК "Турон банк", г. Нукус, РК. Адрес: РК, г. Нукус, ул. А. Темура, №122. Телефон: +99861 222 88 80.

Услуги лицензировано.

Бадиа

Сиз эй, гул учган, гул қучган боғларим!..

Бугун Жиззахда, қадимий "қалъа шаҳар"да гул сайли, сумалак сайли! Мана, келида буғдой туяётган момолар қошига келдим. Келисопни олиб, етти бор буғдой туйдим.

Ногоҳ ёнгинамда турган катта расмга кўзим тушди: "Сайхонтош момо". Келида буғдой туяётиб тошга айланиб қолган момо суврати. Орқа томондаги қоятошларда эса энг қадимги петроглиф ёзув-белгилар, қилич, найза, ўқ-ёй ва ҳайвонлар расми, ов манзараси...

Эмишки, кўп асрлар муқаддам, ҳутнинг сўнгги кунларида Сайхонсойга ёв бостириб келибди. Қирғин-барот бўлибди. Эртага Наврўз деган куни Сайхон момо: "Эртанги тонг Йилбоши-ку, деҳқоннинг гўжаси нима бўлади", дея келисини олиб, баланд қоятошга чиқиб, эл-юрт учун буғдой туя бошлабди.

Ёғий аскарлари "Энди бу юртда тирик жон қолмади", дея кетаётган экан. Кампир босқинчиларни кўриб ҳам зарра ҳайиқмай, эл-юрт омонлиги, авлодлар ризқи-рўзи учун, Йилбоши учун яхши-яхши ниятлар айтиб, буғдойини туяверибди. Тоғу тошлар эса гумбурлаб акс-садо берибди: "Тўқ! Тўқ! Тўқ!.."

Ёв ҳам нечоғлик ёвуз бўлмасин, барибир ожиз банда-да. Кўнглига ҳадик оралабди. Ҳали ён атрофда жангга тайёрланаётганлар кўп экан, дея ортига қайтиб кетибди...

Ёвлар қайтиб кетибди, лекин Сайхон момо тошга айланиб қолган қўйи ҳамон буғдой туяркан. Ҳамон кечалари тоғлардан гумбурлаган акс-садо қайтади: Тўқ! Тўқ!..

Азал-азалдан эзгу ниятлар, эзгу амаллар қилган, фақат эзгу каломларни деган нурпараст элим! Бугун момолар йилгўжасидан – дуосидан олиб, шундай нозиктаъб сувратлар солаётган мусаввир ёшларинг, умидларинг ўсин-улғайсин!

Қаранг, қулоқларига бойчечагу ялпиз қадаган холалар, момолар рақс тушяпти. Бир нуроний бобо кўкси тўла орден-медаллар. Ўзи ҳасса таёқда зўрға, илинибгина турибди-ю, яна денг, "Лазги"га ўйнаяпти. Куй тугагач, даврага таъзим ҳам қилиб қўйди.

Қирғиз бахши бовам саксон ёшлардаги тожик момомга қараб, дўмбирасининг торларини, юрагининг тўр-тўрларини титратиб, бир сўз айтяпти:

Қизил гулдай бўйларинг,
Қулли бўсин тўйларинг!..

Лўлилар қавмини кўринг. Қизлари сочларини майда-майда қилиб ўриб, учларига пиликчалар тақиб, ироқи дўппиларни кийиб олибди. Ўзларининг мусиқий оҳангларига мослаб, бор дунёни унутиб, рақсга тушяпти. Қадимий турмуш тарзлари – чодирларида туриб, қўллари кўксида: "Хуш омадед Наврўз! Меҳмони азиз! Боз хуш омадед Наврўз!" дея чорлайди.

Қирғиз оғайнилар қимиз тутса, қозоқ бовурларимиз қимрон узатади.

Сахийсан, феъликенг, бағрикенг, ҳурпараст элим!

Ҳаводан сумалак ҳиди анқийди. Чексиз фахр билан момолар қўлидан капгирни оламан. "Элга омонлик бер", дея энг эзгу ниятларимни, тилакларимни қозонга соламан.

Бунчалар бахтлисиз, ҳарир либосларда келинсалом солаётган ниҳолдай, ҳилолдай келинчаклар!

Желакбошлар. Пўпакларига кўҳна Уструшона ферузаси, Работ тангалари қадалиб, кумуш жаранг бераётган қип-қизил желакбошлар ва уни ёпинаётган садоқатли, саодатли келинлар. Бу қайтмас, қайтарилмас лаҳзаларнинг қадрига етинг!

Қаранг, енгил насимларда ўрик гуллари оҳиста учиб келиб, сочларингизга қўняпти! Ҳаётнинг, Наврўзнинг ўзи қўллари билан сочингизга гулбаргак тақдими, Сиз энди албатта бахтли бўласиз, Қизларжон!

Ўтовлар. Қадимий оқ ўтовлар. Боболаримнинг сокингина, салқингина қўрғони. Ичкарига кириб, чанғароғини ёпиб қўйиб, увуқларини эшган момоларим билан уларнинг гулдаврлари, ойбахтлари, ой қўрғонлаган оқшомлари ҳақида суҳбатлар қурамиз. Худди энамга ўхшаб кетадиган, овозлари ҳам энамнинг овозидай бир нурсиймо оппоқ, майда-майда гулчалари бор рўмол беради:

– Қани, Сиз ҳам бир дуо қилинг-чи, қизим!...

Ўша лаҳза кўнглимдан ўтганларини кўнгилдагидай қилиб тасвирлаб, тасаввурлаб айтолмайман. Айтолмаяпман. Сен ўзинг уни юракларга етқиздириб ёзиб бергин, қаламим!

Сиз эй, гул учган, гул қучган боғларим,
Сўз бўлаётган, шеър бўлаётган,
шоир бўлаётган дарё, тоғларим!
Йилбошинг қутлуғ бўлсин!
Рангўтлар жилмайиб, буғдой бўй олар,
Бахмал адирларда бор баҳорийёт!
Арчалар ям-яшил, олам ям-яшил,
Бунчалар гўзалсан, гулбаҳор – Ҳаёт!
Йилбошингиз қутлуғ бўлсин!

Саъдина БОБОМУРОДОВА
Жиззах вилояти

Реклама ҳуқуқида

Биз ҳам мададкормиз

дейишмоқда "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастурида фаол қатнашаётган банк вакиллари

AGROBANK

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳамоҳанг равишда Наманган вилоятида ҳам "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш оммавий ҳаракатга айланмоқда.

Янги корхоналар ташкил этиш, иш ўринлари яратиш, бунёдкорликнинг барча йўналишларини юксалтиришга оид топшириқлар ижросини таъминлаш, чунончи, Чуст туманида оилалар манфаатдорлигини оширишда "Агробанк" ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

– Қизим Назокатхон қўли гул чевар. У тиккан болалар либослари, айниқса, байрам ва маросимларга мўлжалланган кийимларга талаб катта, – дейди Чуст туманида яшовчи Насиба Эркабоева. – Болажонлар учун айиқполвон, қуёнча, тулкиой ёки шолғомни эслатувчи қувноқ либосларга буюртма бериш учун қўшни туманлардан ҳам излаб келишади. Кейинги вақтларда буюртмалар кўплигидан бир ўзи улгурмаётган эди. "Агробанк" томонидан ажратилган 11 миллион сўмдан зиёд маблағ ишимиз ривожида қўл келмоқда. Уч йилга берилган бу кредит эвазига биз учта тикув машинаси харид қилиб, янги иш ўрни очдик.

Шу йилнинг 1 апрель санасига қадар "Агробанк" АТБнинг Чуст филиали томонидан 477 нафар оилага 8,1 миллиард сўм кредит ажратилди. "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури доирасида берилган ушбу маблағлар оилалар манфаатдорлигини ошириш билан бир қаторда соҳалар юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Оилаларга тақдим этилаётган кредит маблағлари аниқ мақсадларга йўналтирилмоқда. Яъни, хонадонларда тикувчилик, тўқувчилик ишларини йўлга қўйиш, иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари боқиш, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик билан шуғулланиш ва бошқа йўналишларда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тақдим этилмоқда. Мисол учун, 27 миллион сўм кредит олган Меҳринисо Мираҳимова туяқушчиликни ривожлантириш мақсадида туяқуш жўжаларини харид қилди. Ҳабибулла Ободов эса 12 миллион 220 минг сўмлик кредитга наслли қорамол сотиб олди.

– Кичик майдонда қурилган қўлбола иссиқхонада маҳсулот етиштирардик, – дейди Чуст тумани Карнон қишлоғида яшовчи Абдулла Мадалиев. – Замонавий иссиқхона қуришга маблағимиз етмасди. Яқинда банк ажратган қарийб 15 миллион сўм эвазига замонавий иссиқхона барпо қилдик.

Май ойи бошларида бодринг, октябрда эса кўкатлар етиштириш ниятидамиз. Шу тариқа бир йилда уч марта ҳосил олса бўлади.

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури каттаю кичикни бирдек ҳаракатга келтириб қўйди. Ким билан суҳбатлашманг, тадбиркорлик билан шуғулланиб, нафақат оиласига, балки жамият ривожига ҳам катта ҳисса қўшиш ниятида эканини фахрланиб сўзлайди. Айниқса, ушбу дастур аҳоли зич яшайдиган Наманган вилоятида муҳим масала – бандлик муаммосини ҳал этиш билан бирга, даромад кўпайишига кенг имкониятлар яратмоқда.



"Агробанк" АТБ матбуот хизмати

Хизматлар лицензияланган.

Инсоният муаммоси

"Ўзингизни ўйласангиз-чи!"

Ер юзидаги 7 миллиарддан ошиқ аҳолининг 1,2 миллиарди тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,3 миллиарди санитария талабига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Яна бир муаммо, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди.

Телевидение орқали эфирга узатилаётган кўрсатувда сувни тежаш ҳақида гап борар экан, дунёнинг аҳолиси сувсираб касалликларга чалиниб бораётган қисми экранда намоён бўлади. Қайсидир халқаро ташкилотнинг инсонпарварлик кўмаги акс этган лавҳада одамлар бир литр сув учун бир-бири билан олишиб, тўс-тўполон бўлиб кетган кадрларга кўзим тушиб кўнглим бузилди. Бошқа телеканалга олдим. Бошловчи аллақайси ўлкада сув тошқинидан қанча одам нобуд бўлгани, қутқарилганларининг неча нафари оғир аҳволда экани ҳақидаги маълумотларни ўқиб эшиттирмоқда. Тошқин одам, машина, уй – йўлида нима учраса, балои офатдек ютиб юбормоқда, барчасини оёқости қилиб оқизиб кетмоқда...

Сайёрамизнинг бир бурчагида сув етишмаслигидан, бошқа бир бурчагида эса сув балосидан одамлар жон бермоқда... Шу сувнинг ярми қақроқ ўлкаларга етиб борганида нима бўларди? Бир ерда тошқин чиқмас, иккинчи ёқда аҳоли сувсизликдан қийналмаган бўлармиди? Ҳаёт синоатларига тушунмай бошим қотади.

Ортиқ ўйлашга тоқатим етмай, телевизорни ўчириб ошхонага чиқаман. Чанқаганим учунми ёки ташна одамларни кўрганим учунми, сув ичгим келди. Не кўз билан кўрайки, жўмрак охиригача ёпилмаган. Жилдираб оққанда бир дақиқада қанча сув беҳуда кетади, бир соатда, бир кунда-чи? Ким билсин, бу сув қанчадан буён увол бўлаётган экан? Жўмракни яхшилаб маҳкамлаб ошхонадан чиқарканман, бир қиз кириб келди.

– Вой, яна кимдир беркитиб қўйибди, – деди-ю, кранни очди.

– Нега бундай қилдингиз? – қизиқсиниб сўрадим.

– Сув қанча кўп оқса, шунча муздек бўлади, яхтаккина сув ичгим келди.

– Сиз муздек сув ичиш учун қанча оби ҳаётни увол қиляпсиз? – азбаройи аччиғимни яширолмадим.

– Бувимга ўхшаб насиҳат қилманг менга, ўзимнинг ақлим бор.

– Ақлингиз йўқ демаяпман, аммо...

– Сизга нима, сотиб оляпсизми? Ёки сизнинг сувингизни ичяпманми? Мен ҳам ётоқхонага пул тўлаб қўйганман.

– Мен ҳам сиз пул тўламагансиз демаяпман. Ҳозиргина кўрдим, дунёнинг ярим аҳолиси сувсизликдан жон беряпти. Ҳар бир неъматнинг уволи, ҳисоб-китоби бор. Сув захиралари ҳам бир кун келиб тугашини биласизми?

– Уф, мана ўчирдим, қутулдимми энди. Сув захирасидан сира хавотир олманг, умрингизнинг охиригача тугаб қолмайди.

– Хўп, шундай ҳам дейлик, биздан кейингилар-чи?

– Ўзингизни ўйласангиз-чи, биздан кейингилар ўз ғамини ўзи еб олади, ҳеч хавотир олманг!

Шундай деди-ю, қўлидаги идишини сувга тўлдириб чиқиб кетди. Ҳаво иссиқ, ҳамма ҳам чанқоқбосди нимадир ичгиси келади. Аммо бу сувни соатлаб оқизиб қўйишни қай даражада оқлайди? Беҳуда оқиб кетаётган сувлар, Худо кўрсатмасин, ўзимизга тошқин бўлиб қайтиб келса-чи?

Шу ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Қолаверса, биздан кейинги авлод ҳам бизга бегона эмас. Фарзандимиз, фарзандимизнинг фарзанди бўлиши мумкин-ку!..

Чарос ЁҚУБОВА,
журналист

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
XAQIQAT
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙЙИД, Адҳам ШОДМОНОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Виктор ПАК, Насимжон АЛИМОВ, Аслиддин АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 458 Тираж: 4647
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 22:20
Топширилди – 00:30

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррирлар: Фаррух ЖАББОРОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.